Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 67 (10.316).

1992 йил 16 апрель пайшанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори

КАРТОШКА, МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ҚУРУҚ МЕВАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан жамоа хўжаликларининг, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг модий майфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади :**

1. Картошка, мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва қуруқ меванинг чекланган харид нархлари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида юқорида кўрсатилган иловага мувофиқ янги харид нархларини манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг Вазирлар маҳкамаси 1992 йил 21 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган тартиби асосан сақлаб қолинсин.

1992 йилнинг 20 апрелидан бошлаб корхоналар, хўжаликлар, тайёрлов ташкилотлари, кооперативлар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва фуқаролар республикадан ташқарига олиб чиқиб кетадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун пошлина миқдорларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартибини банклар ва солиқ инспекцияларига етказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, давлат Бош солиқ бошқармаси бир ҳафта муддат ичида мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун пошлина миқдорларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартибини банклар ва солиқ инспекцияларига етказсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси 1992 йил 21 январда чиқарган 23-сон қарорнинг 3-банди (2-илова — мева-сабзавот маҳсулотлари; 3-илова қисмлари), 8 ва 9-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО

«ИВТЕКС» ҳамкорлик қилишни таклиф этади

Ивановодаги «ИВТЕКС» концерни иқтисодчилар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, бинокорлар, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича экспертлардан иборат бутун бир мутахассислар бригадасини Тошкентга юборди.

Концернинг маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Борис Неволиннинг айтишича, ташриф буюришдан мақсад, Тошкент вилояти ноҳиялари билан ўзаро фойдали алоқаларни йўлга қўйишдир. Ивановоликларни биринчи навбатда бизнинг пахта толаси ва мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича имкониятларимиз қизиқтиради.

«ИВТЕКС» машҳур фирмадир. Унинг 46 та корхонасида Иваново вилояти тўқимачилик маҳсулотининг 72 фоизи ишлаб чиқарилади. «ИВТЕКС» корхоналарида бир юз қирқ минг киши ишлаб турибди. Ҳар йили икки миллиард метр газлама тайёрланмоқда. Концерн фақатгина биринчи кварталда 6 миллиард сўм фойда кўрди.

«ИВТЕКС» вакиллари Бўка, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Пискент ноҳияларида бўлишди, хўжаликларга ташриф буюришди, мутахассислар билан суҳбатлашдилар, ноҳияларнинг инфраструктурасини, хом ашё базасини, бизнинг эҳтиёжларимизни ўргандилар.

— Биз Тошкент вилоятига зарур миқдорда ёғоч-тахта, газламалар, асбобускуналар етказиб беришимиз мумкин, кадрларни ўқитишга тайёрмиз, — деди мухбиримизга Борис Неволин. — Бунинг ўрнига хўжаликларга бизга ўз ихтиёрларида қоладиган пахтанинг бир қисмини юборишларини тавсия қиламиз.

Концерн вакилларининг таклифлари бизнинг мутахассисларимизни қизиқтириб қўйди. Икки томоннинг фикрича, қўшма корхоналар барпо этиш ўзаро фойдали ҳамкорликнинг шакли бўлиши мумкин.

Биргаликдаги маслаҳатлар натижасида руслар бир қанча таклифлар билан ўз уйларига қайтдилар, улар бу таклифларни синчковлик билан ўрганишмоқчи.

Вилоят ҳокимиятида таъкидлашларича, ташриф якунлари бўйича тузилган ниятлар баённомаси халқ депутатлари Иваново вилоят Кенгаши, Тошкент вилоят ҳокимияти ва «ИВТЕКС» давлат концерни ўртасида ўзаро фойдали битим тузиш учун яхши асос бўлиши мумкин. Бу соҳада муваффақиятга эришилса, вилоятимизда ўнлаб янги ишлаб чиқаришлар, янги иш ўринлари, янги маҳсулотлар пайдо бўлади.

Г. МИШУЛИН.

АҚШ сенаторларининг делегацияси «Боинг-707» самолёти махсус рейсида 14 апрель куни Тошкентга келди. Делегацияга конгресс комиссиясининг аъзоси Дэнис де Консини бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганидан кейин бу Америка делегациясининг дастлабки расмий ташрифидир. Сўнгги вақтда Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий турмушда юз берган катта ўзгаришлар ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун кенг истиқболни очиб берди.

— Тошкентда мамлакатимиз элчихонаси очилганига ҳали бир ой бўлгани йўқ, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишончли вакили Майкел Мозер.—Аммо ана шу қисқа даврни катта тараққиёт даври деб аташ мумкин. Иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик қилишнинг аниқ режалари белгилаб олинди. Мутахассисларимиз Наманган вилоятидаги нефть конида Ўзбекистонда ҳамкасблари билан биргаликда фаол ишлашмоқда. Нефть фавворасини тўхтатишга қодир бўлган ускуналар ҳозирнинг ўзидаёқ Мингбулоққа келтирила бошланди. Яқин кунлар ичида Американинг яна бешта самолётида у ерга техника ва мутахассислар олиб келинади. Мутахассислар орасида нефтчилар ва экологчилар бор. Мен АҚШ сенати делегациясининг Ўзбекистонга ташрифига катта аҳамият бераман. Аслини олганда, бу мамлакатларимиз ўртасида тағин ҳам мустаҳкам ўзаро муносабатлар ўрнатиш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Меҳмонлар республика парламентида бўлдилар. Уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев қабул қилди. У сенаторларга қонун чиқарувчи олий ҳокимият органининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди, мустақил Ўзбекистонда амал қила бошлаган янги демократик қонунларнинг моҳиятини тушунтириб берди. Республика Конституциясининг янги лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди. Парламент раиси айниқса иқтисодий ислоҳотнинг ҳуқуқий негизини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берди.

Меҳмонларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов билан учрашувини қисқача қилиб, қизиқарли ва самарали деб таърифлаш мумкин. Суҳбат чоғида америкалик сенаторларга мустақил республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига самарали ўтиши учун нималар қилинаётганлиги тўғрисида сўзлаб берилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Бу ерда Америка делегацияси номидан Дэнис де Консини сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидаги учрашув ҳар иккала томон учун фойдали бўлди.

АҚШ сенаторлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиш режасида Самарқандга сафар қилиш, вилоят ҳокимиятида учрашув кўзда тутилган. Шундан сўнг меҳмонлар Олмаотага жўнаб кетадилар.

(ЎзА).

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИ— ЎЗБЕКИСТОНДА

ТАШРИФ ТУГАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигида Саудия Арабистони подшолигига расмий ташриф буюрган делегация 14 апрель куни Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида И. А. Каримов ва делегация аъзоларини республика Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

СУДАНКА— ЧОРВАБОП

ЭЛ-ЮРТ ташвиши билан бўлиб доим изланувчи, ҳар бир қарич ердан мўл-кўлчилик яратиш мақсадида фойдаланувчи деҳқонлар оз эмас. Абдураим Исломов ана шундайлардан бири. У Пискент ноҳиясидаги Эвалик қишлоғида яшайди. Абдураим жамоада меҳнат қилиш билан бирга ўз томорқасида ҳам турли экинлар ўстиради. У, айниқса, чорва учун озуқа бўладиган экинларга меҳр қўйган. Ўтган йили у суданка экиб, ундан юқори ҳосил ва уруғлик олди.

Унинг айтишига қараганда бу экин таркибида қанд моддаси кўп бўлиб, бўйи 4—5 метргача ўсади. Бир йилда 4—5 марта ўриб олиб, чорвага едириш мумкин. Жуда тўйимли озуқа ўрнини босади.

— Менда 400 килограммга яқин уруғ бор. Эҳтиёжимдан ортиб қолади, хоҳловчилар бўлса, сотиб олишлари мумкин,— дейди у.

Унинг бу таклифида жон бор. Кимки чорвасини етарли озуқа билан таъминламоқчи бўлса, суданка уруғини эксин. Бу ишни узоғи билан 15 майгача тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Н. ИСАЕВ.

МУРАББИЙ ДУГОНАЛАР

ҲАЁТ оқар дарё экан. Уларнинг корхона остонасида учрашиб, танишиб олганларига ҳам чорак аср бўляпти. Чеварликка ихлос қўйиб, шу даргоҳ остонасидан ийманибгина ичкарига кирган бу ёш қизлар илгари бир-бирларини танишмас эди. Улар шу ерда танишишди. Шу-шу бир-бирларидан ажралишмайди. Энди ҳамма уларни Фотима-Зуҳралар дейишади.

Нафиса билан Ойдинларнинг дўст-иноқлигига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Йигирма беш йилдирки, улар яхши кунларда ҳам, бошга мусибат тушганда ҳам бирга, бир-бирига маслаҳатчи, суянчиқ, меҳнатда ҳам шундай. Билганларини ўргатишади, билмаганларини сўраб олишади.

Хотин-қизлар учун чеварликдан бошқа яхши касб бўлмаса керак, дейишади улар. Ўзлари шу касбни ардоқлаб, шуҳратига шуҳрат қўшиб келишаяпти, доим унга содиқ бўлиб қолишаяпти.

Нафиса йигирма икки йил сурункасига бир цехда гул босувчи бўлиб ишлаб келяпти. Хотин-қизлар рўмолларига оддий гул босишдан энг мураккабларини ҳам мукаммал эгаллаган. Бу жараённи бажаришда унумли, сифатли ишлашда унинг олдига тушадиган ишчилар дегарли йўқ. Шунинг учун цехга келган ёшларнинг аксарияти унга шогирд тушишни хуш кўришади. Устоз талабчан бўлса ҳам касб сир-асрорларини қисқа муддатда пухта ўргатади. Айни вақтда уларда инсоний фазилатларни ҳам камол топтиради.

Опанинг гул босган рўмоллари кўплаб кўргазмаларда юқори баҳоланганлиги ҳам унинг маҳорати юксаклигини кўрсатади. Нафиса цехда сифат кузатувчиси бўлиб ишлаяпти. Кўп жиҳатдан унинг саъи-ҳаракатлари, жонкуярлиги туфайли маҳсулот сифатида ижобий силжиш юз бермоқда. Цех бўйича сифат режаси иккинчи чоракда ҳам муваффақиятли бажарилаяпти. У Шоира Сулаймонова, Шохида Хабибраҳмонова, Муборак Самиғжонова, Минаввар Сапаева, Раъно Жалолиддинова каби ўнлаб ҳамкасблари ҳам сифат жонкуярлари бўлганликлари билан фахрланади. Булар 160 нафар чеварга ҳар жиҳатдан мураббийлик, устозлик қилишяпти.

Ойдин Жабборова ҳам меҳнатда қадрдон дугонасидан қолишмайди. У гул босиш жараёнларини пухта ўзлаштириб олган, шериги Ҳамида Абдукаримова билан биргаликда ҳар сменада 750 та ўрнига 900 тагача рўмолга гул босяпти. Уларнинг қўлидан чиққан маҳсулот доим аъло сифатга қабул қилинади. Мураббийлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси ҳисобланган Ойдинхон ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги меҳнатда устозларидан қолишмаяпти. Шоира Сулаймонова, Машкура Зиёмуҳамедова, Мамлакат Мавлонова, Муҳайё Эргашева каби опа таълимини олган хотин-қизлар ҳам гул босиш сирларини пухта ўрганишган. Касбларининг ҳақиқий шайдолари бўлиб қолишган.

«Учқун» тўқимачилик ва атторчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўтган йили режага қўшимча 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган экан, бу ютуқда шундай жонкуяр, ишбилармон чеварларнинг ҳиссаси катта.

Ўтган йилги ютуқлардан руҳланган биринчи фабрика чеварлари 1992 йилнинг дастлабки ойларидаёқ кўтаринкилик билан ишлаб, режаларни ой сайин ошириб бажаришга эришмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

АРАБ ДУНЁСИГА ОЧИЛГАН ЭШИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Саудия Арабистонига ташрифи

Илгари хабар қилганимиздек, шу йил 11—14 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Давлат делегацияси Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди.

Делегация аъзолари 11 апрель куни Тошкентдан Жидда шаҳрига учиб келишди. Ислом Каримов ҳамда унинг ҳамроҳларини Саудия Арабистони подшоси Фахд бин Абдул Азиз ас-Сауд кутиб олди.

Жидданинг Абдул Азиз номли халқаро аэропорти Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони давлат байроқлари билан безатилган. Подшо миллий гвардиячилари саф тортган. Ҳар иккала мамлакатнинг давлат гимнлари янграйди.

Кутиб олувчилар орасида Саудия Арабистони Бош вазирининг иккинчи ўринбосари, мамлакат мудофаа ва фуқаро авиацияси вазири Амир Султон бин Абдул Азиз, Давлат вазири Муҳаммад Иброҳим Маъсуд, Жидда шаҳари ҳокими Ҳамид Абдул Ғани ҳамда бошқа амирлар, вазирлар бор эдилар.

Саудия Арабистони подшоси ва Ўзбекистон Президенти аэропортдан подшоҳнинг Қизил денгиз соҳилидаги қароргоҳи — конгресслар Саройига йўл олишади. Подшо Фахд ҳазрати олийлари Ислом Каримовни ўз шахсий меҳмони деб эълон қилади.

Ташрифнинг биринчи куниёқ сермаҳсул ўтди: Ўзбекистон Президенти конгресслар саройида Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазири Сауд бин Файсал бин Абдул Азизини қабул қилди. Маълумки, Сауд бин Файсал шу йил февраль ойида Ўзбекистонга расмий визит билан келиб кетганди, уни Ислом Каримов қабул қилиб, ҳар иккала мамлакат ўртасида икки томонлама ўзаро муносабатлар ўрнатиш ҳусусида суҳбатлашганди. Жиддадаги ушбу мулоқот Тошкентдаги ўша суҳбатнинг давоми бўлди.

Сўнгра Ислом Каримов Ислом тараққиёт банки Президенти шайх Аҳмад Муҳаммад Аминни қабул қилди.

Кечқурун эса Саудия Арабистони подшоси Фахд бин Абдул Азиз ас-Сауд ўзининг «Ас-Салом» деб номланган қасрида Ўзбекистон Президенти шарафига зиёфат уюштирди. Унда Саудия Арабистони томонидан Бош вазирнинг иккинчи ўринбосари, мамлакат мудофаа ва фуқаро авиацияси вазири Амир Султон бин Абдул Азиз, Ташқи ишлар вазири Сауд бин Файсал, амирлар, вазирлар, қатор бошқа расмий кишилар иштирок этишди. Ўзбекистон томонидан Республика Бош вазирининг ўринбосари Раҳим Ражабов, Республика Ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов, Моваройуннаҳр диния бошқармасининг раиси, Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Бухоро вилояти ҳокими Дамир Ёдгоров, республика давлат банки бошқарувининг раиси Файзулла Муллажонов, расмий делегациянинг бошқа аъзолари, шунингдек давлатлараро ва миллатлараро муносабатлар бўйича давлат маслаҳатчиси Шаҳобиддин Зиёмов иштирок этишди.

Зиёфатдан кейин Саудия Арабистони подшоси ва Ўзбекистон Президенти ўртасида бир неча соатлик суҳбат бўлиб ўтди. Ислом Каримов Фахд бин Абдул Азиз жаноби олийларига мустақиллик йўлидан илк қадамлар ташлаётган Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи хусусида сўзлаб берди.

Саудия Арабистони сўнгги йилларда жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатлардан бири эканлиги бизни ниҳоятда севинтирди. Биз сизлар билан ўзаро манфаатли асосда турли йўналишларда муносабатлар ўрнатишга тайёрмиз, деди жумладан Ислом Каримов.

Фахд бин Абдул Азиз Ўзбекистон билан қалин иқтисодий ва бошқа алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор ҳамда бунга тайёр эканлигини таъкидлади.

Ҳали вақти келиб, Ўзбекистон ҳам дунёдаги тараққий этган давлатлар ўртасидан ўрин олишига шак-шубҳа йўқ,— деди Саудия Арабистони подшоси,— аммо ҳозир иқтисодий аҳволларингиз у қадар осон эмас. Албатта, бунинг табиий сабаблари бор. Биз шу қийин пайтда сизларга қўлимиздан келган ҳамма ёрдамни кўрсатишга шаймиз.

Ислом Каримов Фахд бин Абдул Азиз ас-Сауд жаноби олийларига делегация аъзолари ва шахсан ўзига кўрсатган илтифоти учун миннатдорчилик билдирди. Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

* * *

12 апрель куни Ислом Каримов Конгресслар саройида Саудиянинг таниқли ишбилармонларидан ҳисобланмиш Шайх Ризо Али Холидни қабул қилди ва суҳбатлашди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти Саудия Арабистонида яшаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашув ўтказди.

— Аввало, сиз азизларга,— деди Ислом Каримов, — ўзбек халқи, қариндош-уруғларингиз номидан салом ва энг яхши тилаклар олиб келдик. Хабарингиз бор, эндиликда сизларнинг она юртингиз Ўзбекистон ҳам ниҳоят мустақил бўлди, бизни ер юзидаги 105 та мамлакат тан олди. Армонлар доғи ювиладиган, яраланган кўнгиллар жароҳати малҳам топадиган замон келди. Энди сиз тақдир тақозоси билан хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларимизни кенг ривожлантиришга ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Энди сизлар учун ватанингизнинг жами эшиклари доимо очиқ бўлади.

Учрашувда сўз олган Аҳмадали Тўлқин Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган барча туркистонликлар номидан Ўзбекистон истиқлолга эришган кун хорижда яшаётган барча ватандошлар учун энг тарихий, энг қувончли кун бўлиб қолганини таъкидлаб, дедики, биз юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ҳамма эзгу ишлардан хабардормиз. Сиз азизларга қўлимиздан қандай ёрдам келса, уни беришга доимо тайёрмиз.

* * *

Ўша куни Конгресслар саройида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов билан Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазири Сауд бин Файсал ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов бошчилигидаги республика делегацияси аъзолари Маккан Мукаррамага боришиб, мусулмонликнинг энг олий бурчини адо этишди.

* * *

13 апрель куни Ислом Каримов Жиддадаги конгресслар саройида Саудия Арабистонининг таниқли ишбилармонлари билан учрашди. Республика Президенти уларга бугунги Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари ҳамда ҳозирда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳусусида батафсил сўзлаб берди. Уларни баъзи иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашишга чорлади. Саудиялик ишбилармонлар Ислом Каримовнинг таклифини бажону дил қабул қилишди.

Шу куни делегация аъзолари Жиддадан Мадина шаҳрига боришди. Ўзбекистон ва Саудия Арабистони байроқлари билан безатилган аэропортда юксак меҳмонларни Мадина амири Абдул Мажид ибн Абдул Азиз ҳамда бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Делегация аъзолари жаҳондаги яна бир муқаддас шаҳар — Мадинаи Мунаввара да бир неча соат давомида бўлишди ва пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг қабрларини зиёрат қилишди.

Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Саудия Арабистонига расмий ташрифи 14 апрель куни ниҳоясига етди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва «Халқ Сўзи» — «Народное Слово» газеталарининг махсус мухбири.

Жидда — Макка — Мадина — Тошкент.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилоят ҳокимлиги, вилоят болалар жамғармаси ҳамда вилоят маданият бошқармаси ҳамкорликда шу йилнинг 25 апрели куни Ҳамза номидаги театр биносида СОАТ 11 ДАН 14.00 ГАЧА ноёб моллар. КИМОШДИ САВДОСИНИ УТКАЗАДИЛАР.

Унда: рангли телевизорлар, «Киргизия» кир ювиш машиналари, «Орск» ва «Саратов» совитгичлари, гиламлар, даэмоллар, тикув машиналари, чанг тозалагичлар, аёлларнинг япон рўмоллари ва қўл соатлари ҳамда бошқа буюмларни харид қилишингиз мумкин.

Кимошди савдосига кириш учун чипта нархи 50 сўм.

Кимошди савдосини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Владимир АРКАДЬЕВИЧ ЛАПИН** олиб боради.

Бу тадбирда таниқли хонандалар ва созандалар, кино артистлари, бадиий сўз усталари, ҳаваскорлик жамоалари, раққосалар иштирок этадилар ҳамда ўз санъатларини йиғилганларга намойиш қиладилар.

Кимошди савдосидан тушган маблағ бугунги кунда оғир аҳволда яшаётган етим-есирлар, ногиронлар, кам даромадли, кўп болали оилалар, болалар уйлари ва махсус мактаб-интернатларга хайрия йўли билан сарфланади.





Перко — ўсимлиги моллариниг тўйимли озуқаси ҳисобланади. Бундан ташқари у ем-хашак жамғармасининг таги кўринib қолганда шубҳасиз, жонга аро киради. Шунинг учун ҳам суратда кўриб турганингиз Бекобод ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Д. Тешабоевнинг гуллаган перкони тутамлаб завқланаётганлиги бежиз эмас. Чунки у пешма-пеш ўриб олиниб, молларга едирилмоқда.

Суратқаш Б. САФАРОВ.

ЭЪТИҚОД 2

ОДАМЛАР ОРАСИДА БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бўстонлиқ район кенгашини тузиш бўйича бўлиб ўтган конференциянинг иккинчи босқичидан сўнг мана қарийб беш ойга яқин вақт ўтди. Шу ўтган вақт мобайнида район кенгаши аппарати ходимлари сайлаб қўйилган фаоллари билан ҳамкорликда ХДП сафини муносиб кишилар ҳисобига ўстириш ҳамда қуйи бўғинларда партия таъсирини ўтказиш эвазига унинг обрўсини кўтариш борасида муайян ишларни олиб бораяптилар. Шу мақсадда мавжуд 2 та ҳудудий, 1 тармоқ бўйича, 11 турар жойда ҳамда 80 дан зиёд меҳнат жамоаларида ташкил топган бошланғич партия ташкилотларида ХДП Низоми асосида ўтказилаётган йиғилишларда район кенгаши аппарати ходимлари ва ҳокимият раҳбарлари қатнашганлари ҳолда оддий меҳнаткашлар таклиф-мулоҳазаларини ўрганишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Натижада ташкилий даврда жами ХДП аъзолари 2374 нафар бўлган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 2600 кишидан ортди. Буларнинг қарийб минг нафари ўз эътиқодларига кўра янгидан ХДП сафига қабул қилинган кишилар бўлса, қолганлари қайта рўйхатдан ўтган коммунистлардир. Ноҳия партия ташкилоти таркиби 20 миллатга мансуб бўлган вакиллар эвазига жипслашган.

Шу пайтга қадар идора ходимлари барча бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, ХДП аъзолари ва кўплаб партиясизлар қатлами билан жонли мулоқот ўтказишга муваффақ бўлдик. ХДП қишлоқ ташкилотларида партия йиғилишларини ҳатто чойхоналарда ҳам ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Табийки, оддий меҳнаткашларнинг йиғилишларда билдирган фойдали таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, ишни яхшилашда тўғри келадиганларини амалда қўллаяпмиз. Жумладан, ташкилий даврда еттита меҳнат жамоасида фаолият кўрсатувчи партия аъзолари бирлашганлари ҳолда Чорбоғ ҳудудий партия ташкилоти тузилганди. Очиғи ишни шу йўсинда олиб бориш билан кўзланган мақсадга эришиш мушкул туюлди. Шу боис катта ва турли тармоқлар йўналиши бўйича фаолият кўрсатувчи корхоналар бўлганлиги учун ҳар бир меҳнат жамоасининг ўзида алоҳида бошланғич ташкилотлар туздик. Натижа ёмон бўлмаяпти, албатта.

Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларининг роли ва мавқеини ошириш мақсадида котиблар иштирокида район кенгаши ижроия бюроси мажлисларини ўтказяпмиз. Жойларда котибларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудий тарзда семинар машғулотлари ўтказиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашяпмиз.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кўплаб бошланғич ташкилотлар котиблари ўз функционал вазифасига қўшимча равишда жамоатчилик асосида партия аъзоларига етакчилик қилишга виждонан ёндашишаётир. «Қўш-қўрғон» (котиби Т. Муҳиддинов), «Паргос» (А. Қодиров), С. Хондойлиқий номли (Ў. Давронов), Т. Назаров номли (Х. Зиккаев) ва Абай номидаги (А. Айтуғанов) жамоа хўжаликлари, Ғазалкент шаҳар «Водоканал идораси» (Э. Шораҳимов), Чинор қишлоқ (Ҳ. Қорабоев) бошланғич ташкилотларида фаолларимиз амалга ошираётган ишларни кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Жумладан Т. Муҳиддинов етакчилик қилаётган «Қўш-қўрғон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти 26 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишда «Наврўз» байрамини ўтказиш ташаббусини ҳам ўз қўлига олди. Ва районда биринчи бўлиб, 14 март куни «Наврўз» байрами олдидан хайрия ҳашари ўтказиш ташаббуси билан чиқиб, бошланғич партия ташкилотлари, ХДП аъзолари ва барча меҳнаткашларга ушбу таклифни қўллаб-қувватлашларини сўраб мурожаат билан чиқдилар. Ушбу мурожаат район кенгаши ижроия бюросида маъқулланиб, маҳаллий рўзномада чоп этилди. Ҳайрия ҳашари ва умуман «Наврўз» байрамини ўтказишда аппарат ходимлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаол қатнашаётир. Аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий тадбирларни ХДП Низоми асосида олиб боришда район кенгаши ижроия бюроси аъзоларидан И. Миржалолов, А. Айтуғанов ҳамда Б. Шокиров ўртоқларнинг зиммаларига юкланган топшириқларни масъулият ҳисси билан бажараётганлигини ҳам алоҳида қайд этса арзийди.

Албатта, юқорида қайд этилган ютуқлар билан бир қаторда ХДПнинг сиёсий ташкилот сифатида нуфузини ошириш борасида ҳали олдимизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Булардан асосийси барча бўғинларда бошланғич партия ташкилотлар жанговарлигини ошириб, уларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришдан иборатдир. Қолаверса Президент сайлови якунларидан шу нарса маълум бўлдики, баъзи аҳоли пунктларига ХДП сиёсати зарур даражада етказилмаётир. Албатта, бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб, кўпроқ одамлар орасида бўлишга эътибор бераётирмиз. Шу мақсадда ижтимоий-сиёсий марказга кирувчи 21 кишидан иборат тарғиботчи ва ташвиқотчи лекторлар гуруҳининг фаолиятини ҳам жонлантиряпмиз. Ўйлаймизки, меҳнаткашлар дардига қулоқ солиб, мавжуд муаммоларни депутатлар орқали ҳал этишга эътиборни кучайтириб, ҳокимият ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш эвазига меҳнат аҳлининг қалбига йўл топиш чораларини излаб топамиз, албатта. Қолаверса ХДП Дастурининг ҳар бир ижрочилардан талаби ҳам шу.

Рихсибой МАҲАМАТОВ,
ЎзХДП Бўстонлиқ район Кенгашининг биринчи котиби.

• *Муштарий илтимосига кўра*

РАҚАМЛАР—ОЛИЙ ҲАКАМ

Ҳозир Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг қанча аъзоси бор? Уларнинг сафи айни пайтда ортиб бораяптими? Яна Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан маҳаллий Кенгашларга қанча депутат сайланган? Шу ҳақда рўзнома орқали хабар берсангиз.

(Олмалиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Н. Мирзараҳимова)

Биз бу ҳақдаги маълумотларни олиш учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашига мурожаат қилдик.

Айни пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг 32 минг 649 нафар аъзоси бор. Шуларнинг 1 минг 264 нафари шу йили ХДП сафига қабул қилинганлар.

1 минг 109 та бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб, уларнинг 126 таси турар жойларда ташкил этилган.

ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши аъзоларининг 15,3 фонзини ишчилар, 36,7 фонзини деҳқонлар, 41,6 фонзини эса хизматчилар ташкил этади.

ХДП аъзоларининг 38,9 фонзи олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга. 57,7 фоиз аъзолари эса ўрта ва ўрта махсус маълумотлидир. Уларнинг 9,4 фоизи эса тугалланмаган ўрта маълумотлидирлар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 3 минг 313 аъзоси вилоятимизнинг турли даражадаги Кенгашларининг халқ депутатлари этиб сайланганлар. Улар барча депутатларнинг 41,4 фонзини ташкил этади.

Қишлоқ шўроларига 1 минг 844 киши, район Кенгашларига 755 киши, шаҳар Кенгашларига 379 киши, вилоят Кенгашига эса 120 киши сайланган.

БИЗНИНГ ТАШАККУР

Бизнинг Красногорск қўрғонида мафтункор ва жуда жасоратли бир аёл яшайди. Унинг исми Надежда Васильевна. Ёлғиз ўзи икки ўғилни тарбиялаган. Касби — аҳолига телеграммаларни тарқатади. Бизнинг қўрғонимиз каттагина бўлиб, 14 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу аёл ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам шошилинчномаларни эгаларига етказиб беради. Маълумки, бундай хабарларнинг айримлари қувончли ёки қайғули бўлади. Надежда Васильевна хонадонларга келганда агар қувончли хабар бўлса эгаларига шерик бўлади, қайғули хабар бўлса уларни юпатади.

Биз қўрғонимизда истиқомат қилувчи нафақахўрлар рўзнома орқали Надежда Васильевнага соғ-саломатлик, меҳнатда ва шахсий ҳаётида муваффақиятлар тилаймиз.

Ф. ЮСУПОВ,
Красногорск.

ЕТАКЧИ КУЧГА АЙЛАНСИН

Мана, янги партия тузилганига ҳам салкам ярим йилдан ошди. Ўзбекистон ХДП дастури ва низомида ўз аксини топган вазифаларни бажариш ҳамма жойлардагидек районимизда ҳам олдимизда турган ўткир муаммоларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ушбу долзарб масалаларни ҳал қила бориб, халқимиз орасида обрў топиш билан таъсир доирамизни кенгайтира боришимиз лозим. Шу билан бирга айни пайтда қайси табақаларга бизнинг сиёсатимиз маъқул бўлаяптию, қайси жойларда ишимизга аниқлик киритиб олишимиз кераклигини ҳам ўйлашимиз керак.

Бу борада бир жиддий фикр устида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари таркибини диққат-эътибор билан яна бир кўриб чиқишимиз давр талабидир. Чунки ҳали ҳам партия ташкилотлари асосан ишлаб чиқариш принциплари асосида тузилмоқда. Ҳудудий партия ташкилотларини тузиш ишларини янада жонлантиришимиз лозим.

Районимиз бўйича бундай усулда тузилган партия ташкилотлари жами ташкил этилган партия ташкилотларининг қарийб 20—25 фоизини ташкил этади, холос. Ҳозирги шароит маҳаллалар, турар жойларда партиямиз таъсирини ошириш, маҳалла қўмиталари қошида, турар жойларда партия ташкилотларини кўпроқ тузиш, шу ерларда бизларни кўпроқ фаолият кўрсатишимиз зарурлигини тақозо этмоқда.

Районимизда ташкил этилган Назарбек қишлоқ шўроси ҳудудидаги «Бешқўрғон» маҳалла қўмитаси раиси ҳамда ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Исабек Шодиев, «Коминтерн» маҳалласи котиби Ботирбек Қурбонов, Ғиштчилар маҳалласида маҳалла қўмита раиси ҳамда бошланғич партия ташкилоти котиби Ботир Исоқовлар айни пайтда шундай йўл тутмоқдалар. Бундай маҳаллалар қошида тузилган бошланғич партия ташкилотлари сони Назарбек қишлоқ шўросида 5 та, Иттифоқ қишлоқ шўросида эса 8 тага етади. Бундай мисолларни бошқа қишлоқ ва қўрғон шўроларида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон ХДПнинг жойлардаги Кенгашларига партиялардан ҳоли ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган партия аъзоларини ўз маҳаллалари қошида тузилган бошланғич партия ташкилотида рўйхатга олиш, уларга сиёсий тажрибасига мос келадиган аниқ партиявий топшириқлар берилган. Масалан, шаҳарда ишлаб, шу ерда яшовчи ёш партия аъзоси, милиция лейтенанти Убайдулла Бозорбоевга жамоатчилик асосида участка вакили вазифасини бажариш юклатилган. Табийки бундай тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ХДПга маҳалла аҳли қандайдир вазифани эгаллаш, амал учун эмас, балки қалб амрлари билан киришмоқда. Биз партия обрўсини фақат гап билан эмас, балки ҳозирги қийин дамда фуқароларни оғирини енгил қиладиган амалий иш билан мустаҳкамлайлик. Маҳаллалар қошида шундай бошланғич партия ташкилотлари тузайликки, булар президентимиз чиқараётган фармонларининг ижросида етакчи кучга айлансинлар.

Т. ФАИЗИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Зангиота район Кенгашининг котиби.

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен, Янгиобод шаҳарлари ҳамда Оҳангарон район Кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари котибларининг зона семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сиёсатшунослик институтининг доценти О. Ш. Шоюсупов, сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг доценти Р. О. Андроновлар маъруза қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг котиби Ш. И. Жалилов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олмалиқ район Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленумида белгиланган тадбирлар ҳамда Ўзбекистон республикаси Президенти, партия раиси И. А. Каримовнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Илгари кондитер фабрикасида бош муҳандис бўлиб ишлаган Т. Э. Алимов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олмалиқ шаҳар Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Олмалиқ шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Т. Топилов қатнашди.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зангиота район Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг тўртинчи пленуми ҳамда республика Президенти, партия раиси И. Каримовнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Зангиота район Кенгашида ЎзХДП аъзоларининг депутатлик гуруҳи Низоми қабул қилинди, бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Пленум ишида ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов, Зангиота район ҳокими Ж. Маликовлар иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар Кенгаши «Интертех» номли ёшлар илмий ишлаб чиқариш ҳамда тижорат ташкилоти билан биргаликда нарх-наво ошиши билан моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолганларга ёрдам уюштиришди. Бунга кўра ёлғиз нафақахўрлар, ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, партия фахрийларига кунига бир маротаба иссиқ овқат уюштириб берилади.

Бундан ташқари қирқ нафар партия, Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат фахрийларининг ҳар бирига 100 сўм миқдорида моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.

ЙЎҚЛАМОҚ — САВОБ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ НАВРЎЗ АРАФАСИДА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ФАХРИЙЛАРИНИ ИУҚЛАДИ

Вера Уланова туғилганидан буён Ангренда яшади ва бутун онгли ҳаётини она Ватанга ва партия хизматига бағишлади. Беш йил давомида комсомолда, йигирма беш йил партия органларида ишлади. Зиммасига юклатилган ҳар қандай топшириқларни шараф билан адо этишга интилди. Коммунист деган номни покиза сақлашга ҳаракат қилди. Мана, ҳозир қарилик нафақасида. Партия фахрийси. Замон эса бутунлай ўзгариб кетди, Кечаги ақидалар бугун ер билан яксон бўлган, юракдан сиғиниб келган эътиқодлар саробга айланди. Коммунизм бир хомхаёл экан. Партия халқни тараққиётга эмас, ҳалокатга бошлабди. Наҳотки, бекорга елиб-югурган бўлсак? Наҳотки шунча қилган ишларимиз бефойда кетса?

У гоҳ-гоҳида шундай хаёлга бориб, оғир ўйга толади. Бир томондан соғлиғи ёмонлашаётганидан азоб чекади. Турмуш ўртоғи ҳам қазо қилган. Яқингинада ёлғиз қизи ҳам вафот этиб, набиралари билан қолди. Эндиликда эса худди ҳеч кимга кераги йўқдек...

Шундай зерикарли ва қайғули кунларнинг бирида унинг эшиги тақиллади ва ҳеч кутилмаган меҳмонлар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши иш бошқарувчиси Б. Расулов, Ўзбекистон Халқ демократия партияси Ангрен шаҳар Кенгаши котиблари А. Кўканов ва П. Скородумов ҳамда бошқалар йўқлаб келишибди. Мезбон уларни ўтказишга жой тополмас, севинчдан нурсиз кўзлари порларди.

Бир пиёла чой устида қизғин суҳбат бўлди. Б. Расулов Вера Михайловнанинг партиядаги узоқ йиллик меҳнатларини Ўзбекистон Компартиясининг ҳуқуқий вориси бўлмиш Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши ходимлари унутишмаганлигини, ўзи эса шахсан вилоят Кенгаши топшириғи билан Наврўз баҳона йўқлаб келганлигини маълум қилди. Фахрийга ўз тилакларини изҳор этиб, Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгашининг партия фахрийларига ажратилган Наврўз жамғармасидан ёрдам пулини топширди. Вера Михайловнанинг мана шу тоқдаги ҳолатини тасвирлаш қийин. У бутунлай унутиб юборилмаганлигидан, ўз фаолияти билан одамлар қалбида қолганлигидан чексиз мамнунлигини яширолмади. Меҳмонларга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди.

Шу куни партия фахрийларидан ангренлик адиб Абдуғаффор Убайдуллаев ва кекса ўқитувчи Ғофиржон Мадоровлар ҳам Наврўз баҳона йўқлаб борилди. Янги партия вакиллари ҳолидан хабар олиб, байрам билан қутлаш билан бирга уларнинг маслаҳатларига, йўл-йўриқларига муҳтож эканликларини ҳам билдиришди.

— Жамиятимизнинг оғир аҳволга тушиб қолишига партия айбдор эмас, аксинча унинг бошида турган раҳбарлар халқимизни шу кўйга солди, Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбарлари халқ билан бирга бўлиб, маслаҳатлашган ҳолда иш олиб бориши керак. Халқимиз йўлбошчиларсиз, пешқадам вакилларсиз қаёққа боришни билмай қолади. Мен халқимизни тараққиётга, чинакам мустақилликка бошловчи, ҳамиша тўғри йўлни кўрсатувчи партия бу — Ўзбекистон Халқ демократик партияси бўлишини истар эдим, — деди А. Убайдуллаев.

Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши вакиллари партия фахрийларини наврўзолди йўқловини бутун вилоят бўйлаб ўтказишди. Ўз ишини такомиллаштира бориб, ўтмишга ҳурмат билан қараган ҳолда халқ билан ҳамнафас иш олиб бораётган партия ходимларининг ишлари бароридан келса ажаб эмас.

Н. ДУШАЕВ,
«Ангрен ҳақиқати» рўзномасининг масъул котиби.



ҚАЕРДА фаоллик, ташаббус ҳамда уюшқоқлик бўлса, шу жойда муваффақият бўлиши табиий.

СУРАТДА: Зангиота райониндаги «Иттифоқ» қишлоқ шўросининг раиси Ўринбой Азимов (чапдан иккинчи) ҳудудий партия ташкилотининг котиби Нурахмад Туримбетов (ўртада) Халқ демократик партияси аъзолари билан навбатдаги масалаларни муҳокама қилмоқдалар.

В. ХАРИТОНОВ суратга олган.

МАНФААТДОРЛИК ЙЎЛИДА

Партия ва бошқарув органлари. Илгари бу икки тушунча бир-бирига уйғунлашиб кетган эди. Бугун эса ундай эмас. Партия ташкилотлари янги шароитларда қандай фаолият кўрсатмоқда? Биз шу саволга жавоб олиш учун партия ходимларига мурожаат қилдик. Бугун бу мавзуга маъмурият бошлиғи нуқтаи назаридан қарашга жазм қилдик. Янгийўл ноҳияси ҳокими Абдуғани Юсупов бизнинг суҳбатдошимиз бўлди.

— Ноҳияда партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг таъсирини сезаяпсизми?

— Ҳозирча фақат ЎзХДП ўзининг аниқ ишлари билан намоён бўлмоқда. Унинг таъсири анча сезиларли. Ахир халқ депутатлари район Кенгашидаги 80 та ўрнининг 46 тасини Халқ демократик партияси вакиллари эгаллаб туришибди. Кучларнинг бундай нисбатида улар ҳар қандай қарорни ўтказишлари мумкин. Бинобарин, бугунги кунда кўпроқ иш сифати ҳақида сўзлаш лозим.

...Ҳозирги вақтда бозор ҳақида кўп гапирилмоқда ва баҳслашилмоқда. Бироқ жойларда кўпчилик киши-лар ҳозиргача хўжалик юритишнинг бозор механизми тўғрисида суст тасаввурга эга. Бу ислоҳотнинг боришига ҳалақит бермоқда. ЎзХДПнинг район Кенгаши хўжалик мутахассисларининг ўқувини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Сиёсатшунослик илмгоҳидан, бошқарув ходимлари малакасини ошириш илмгоҳидан олимлар ва муаллимларни таклиф этди. Ўрта бўғин раҳбарлари солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, биржа фаолияти, менежмент, ташқи иқтисодий фаолиятга янгича ёндашишлар тўғрисида, ижара, кичик, қўшма корхоналарни қандай ташкил этиш, бунда ёш ишбилармонлар нималарни ҳисобга олишлари лозимлиги ҳақида кўп фойдали нарсани билиб олдилар. Бу амалий иш эмасми? Мен ҳам, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам, мутахассисларнинг ўзлари ҳам бу ишни юқори баҳоладилар.

Биз ноҳияда фермер хўжаликлари ташкил этиш йўлига киришдик. Иш оғир кўчмоқда. Оғизда фермерликни қўллаб-қувватлаб, амалда эса бундай янгиликка тўсқинлик қилаётган, унинг моҳиятини тушуниб етмаётган раҳбарлар ҳам бор. Ҳозирги кунда ноҳиямизда 59 та фермер хўжалиги ишлаб турипти. Халқ депутатлари қишлоқ Кенгашларининг депутатлари бўлган ХДП аъзолари ҳар бир фермерни ем-хашак, бинокорлик материаллари билан таъминлашда қулай шароитлар яратиб бериш устидан назорат қилмоқдалар. Бунда жамоат фикрини тўғри шакллантириш, фермерни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

ЎзХДПнинг ноҳия Кенгаши ноҳия товар биржаси ишини ташкил этишда фаол қатнашмоқда. Маблағ ишлаб топишни ўрганмоқда, ноҳияга зарур бўлган маблағлар, хом ашёларни жалб қилишни ўрганмоқда. Ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиряпти. Ноҳиямизда яшаётган 130 минг аҳолининг 35 мингдан ортиқ нафарини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган кишилар ташкил этади. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган барча кишиларнинг ярмидан кўпроғи демакдир. Шундай шароитларда ёшларни иш билан таъминлаш, янги ишлаб чиқаришни барпо этиш масаласи катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирги вақтда Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари ёшлар иттифоқи билан биргаликда мактабларда кийим тикиш бўйича кичик корхоналар, паррандачилик фермалари, ем-хашак етиштирувчи бригадалар ташкил этиш юзасидан фаол иш олиб бораётганликларини биламан. Албатта, ҳокимият бундай хайрли ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва уларга ёрдам беради.

Бу ерда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ЎзХДП аъзолари сафларида ноҳияда обрўли, катта ҳурматга эга бўлган раҳбарлар, кўпгина оқсоқоллар, ўқитувчилар бор. Улар билан барча масалалар бўйича маслаҳатлашиш, фикр-мулоҳазаларига қулоқ солиш лозим. Шуниси диққатга сазоворки, партия фаоллари ҳокиматга фақат таклифлар билан эмас, одатда аниқ ҳисоб-китоблар билан келмоқдалар. Улар Халқободда консерва цехи, «Ленинизм» жамоа хўжалигида тикувчилик корхонаси, қипиқ-пайраха плиталари ишлаб чиқариш учун ғўзапоядан фойдаланиш, кам таъминланган оилаларга, нафақахўрларга ёрдам беришни уюштириш ва бошқа шу каби хайрли ишлар бўйича аниқ ҳисоб-китоблар тақдим этмоқдалар. Бугунги кунда Халқ демократик партиясининг ноҳия ташкилоти ҳисобида бир ярим мингдан ортиқ киши бор. Амалда барча қишлоқ ва қўрғон Кенгашларида, ҳамма аҳоли манзилгоҳларида, йирик ишлаб чиқаришларда ЎзХДП аъзолари ишламоқдалар. Ўзим ҳам собиқ партия ходими сифатида уларнинг фаолияти тактикасини эътибор билан кузатиб бораман. Олдинги вақтдаги масалалар бўйича маслаҳатлашиш, фикр-мулоҳазаларига қулоқ солиш лозим. Шуниси диққатга сазоворки, партия фаоллари ҳокиматга фақат таклифлар билан эмас, одатда аниқ ҳисоб-китоблар билан келмоқдалар. Ўйинги вақтларда мол ўғриси кўпайди. Айни вақтда тартиб-интизомни муҳофаза қилиш бўйича гуруҳлар тузила бошланди.

— Бошқа партиялар ноҳияда ўзларини ҳеч кўрсатмаяптиларми?

— Ҳозирча йўқ. Яқинда мен Халқободда «Эрк» вакиллари билан учрашдим. Бир-биримиз билан танишдик. Шу билан учрашув тугади. Ҳеч қандай аниқ таклифлар, ҳаракатлар бўлмади. Бу афсусланарли бир ҳолдир. Амалий ҳамкорликдан эса фақат наф кўрилади.

— Очиғини айтсам, ноҳия ҳокими хонаси қаршисида ЎзХДП район Кенгаши биринчи котибининг хонаси жойлашганлиги мени таажжубга солди. Ҳатто икковингиз учун битта қабулхона бор. Сиз район партия Кенгаши аппаратини ҳокимият-нинг бўлимларидан бири деб ҳисобламайсизми?

— Йўқ. Мен уларни ҳокимиятнинг тузилма бўлимларидан бири, деб ҳисоблаймаман. Бироқ бундай қўшничиликдан фақатгина биз наф кўрамиз. ЎзХДП ҳақиқатан ҳам ноҳияда аниқ кучга эга. Мен ҳоким сифатида иқтисодий ислоҳот ва аҳоли турмушининг ижтимоий шароитларини яхшилаш бўйича ишда уларнинг кўмагини сезиб турибман. ЎзХДП район Кенгашининг биринчи котиби Камолбек Шукуров билан жуда яхши муносабатдамиз. Бу кишини яхши биламан ва уни ишчанлиги, аниқ мақсадни кўзлаб ишлаши, ҳар бир масалага вазиятни ҳисобга олиб ёндашаётганлиги учун ниҳоятда қадрлайман, ҳурмат қиламан. Гоҳида ўзим ҳам у билан маслаҳатлашаман, унинг обрўси ва таъсирини кўпгина масалаларни ҳал қилиш учун фойдаланишда интиламан. Буни ҳеч яширмайман. Шуни ҳам айтишим керакки, ўзим ЎзХДП аъзолари сафидаман ва унинг обрўсини оширишга интиламан.

Суҳбатни Ш. ЗАЙЦЕВ олиб борди.

Шукрулло Аҳмедов вужудида ғайрат-шижоат тўлиб-тошиб турган котиблардан бири. Бугунги кунда у Бекобод районидаги Улуғбек номли давлат хўжалиги партия ташкилотига етакчилик қилмоқда. Ш. Аҳмедов билан қилинган мулоқотда долзарб масалалар кўтарилган бўлиб, сизларни ҳам фикрлашга чорлайди, деган умиддамиз.

— Ҳар қандай сиёсий партия учун халқнинг ишончини қозонишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Республика Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси И. А. Каримовнинг партиямиз Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IV пленумида бу ҳақда батафсил тўхталиб, олдимизга янги вазифалар қўйгани бежиз эмас. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти халқнинг ишончини қозониш борасида нималар қилаётганлиги ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Бугунги иқтисодий танглик, сиёсий мувозанат беқарорлиги шароитида халқ ишончини қозонишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига халқ онги ўсиб бораяпти. Биз билан бошқа сиёсий кучлар рақобат қилмоқда. Кўпчилик «кимнинг ортидан эргашсак маъқул бўларкин», деб ҳаракатимизни баҳолаяпти. Мен бу ўринда шуни таъкидламоқчи эдимки, пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, бино ҳам шу қадар мустаҳкам бўлади, деган гап бор. Бошланғич ташкилот партиямизнинг асоси. Бошланғич ташкилот қанчалик обрўли бўлса, халқнинг партияга бўлган ишончи ҳам шунчалик ортади.

Энди масаланинг ўзимизга боғлиқ жиҳатлари тўғрисида шуни айтмоқчиманки, партия ташкилотлари осмонга интилмасдан қўлидан келадиган вазифаларни белгилаб, уларни амалга оширишга эришса, халқнинг назарига тушади.

Бугунги кунда халқни ижтимоий ҳимоя қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Назаримда қайси партия ташкилоти шу масаланинг ижобий ҳал қилинишига эришса, одамлар унинг ортидан эргашади. Бу борада Президентимизнинг махсус фармонлари чиққан. Партия ташкилоти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тақлифини ишлаб чиқиб, хўжалик маъмуриятига тавсия этди. Хўжалик раҳбарияти бу таклифларимизни қўллаб-қувватлади, уни амалга оширяпмиз. Нисбатан муҳтож кишилар, ночор оилаларга хўжалик ҳисобидан ҳайрия-эҳсон ёрдами уюштирилмоқда. Яқинда «Наврўз» муносабати билан хўжалик фонди ҳисобидан 101 кишининг ҳар бирига 3 киграммдан гўшт, 14 кишининг ҳар бирига 20 килограммдан гуруч, шунча миқдорда ун бепул тарқатилди. Ишчи-хизматчиларга арзон нархда шоли сотилди.

— Излаган имконият топади, ишлашни истамаган эса, баҳона қидиради дейишади. Баъзи бир партия ташкилотлари котиблари: «Нимадир қилгинг келади-ю, бироқ таянадиган, мадад берадиган куч йўқ» деган гапни баҳона қилиб ўзларини четга олишмоқда. Ўзлари қилиши лозим бўлган ишларни юқоридан кимдир аралашиб ҳал қилиб беришини кутмоқда...

— Изласангиз иш қалашиб ётибди. Мафкура ходимлари ишининг ўзига хослиги шундаки, улар иш давомида энг муҳим нуқталарни белгилаб олиб, иш лаяпти. Бу тақсимотда тартиб-интизомни сақлаб қолишга олиб келди.

— Ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги мувозанатнинг тебраниб туриши кишилар тафаккурида беқарорлик психологиясининг нисбатан устиворлик қилишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли кишиларда эртанги кунга ишонч кайфиятини уйғотиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шундай эмасми?

— Бугун одамларни шунчаки гап, сўз билан ишонтириб бўлмайди. Ваъдани аниқ амалий иш билан бажариш керак. Шундагина ишончни орттириш мумкин. Кўпчилик назаримда айни шу масалада қийналмоқда. Сўзимизнинг устидан чиқа олмаяпмиз. Ишонч қозонаман деб, ортиқча уриниш ҳам шарт эмас. Уни воқеликнинг талабидан келиб чиқиб бажариш мумкин. Бунинг учун аввало маҳаллий шарт-шароитни пухта билиш, қалб эҳтиёжини нозик ҳис эта билмоқ даркор. Ишончни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли менимча да ҳам айб бор-да. Уларга қарши кескин курашмаймиз. Масалан, бирон-бир одам халқ манфаатини ўйлаб, гарчи ҳақ гапирса ҳам гапи раҳбарга маъқул бўлмагани билан, уни қўлламаймиз. Ноҳақ бўлса ҳам биринчи раҳбарни гапирамиз. Республика, вилоят миқёсидаги идораларда ишлаётганлар демократияга тайёрдир. Лекин қишлоқ аҳли ҳали демократик фикрлаш, иш юритишга тайёр эмас. Айни шу нарса бизга кўпроқ халақит бераяпти.

— Партиямиз аъзолари ўртасида ҳам унинг дастурий мақсадларини аниқ-равшан билмайдиган кишилар бор. Партия аъзолари ўртасида партиямиз низоми ва дастурини ўрганиш ишлари қандай бораяпти?

— Халқимиз ҳозир сиёсий жиҳатдан эркин. Қайси партияга кириш-кирмаслик ҳар кишининг ўз ихтиёрида. Биз йўлимизнинг тўғрилигини амалда кўрсата олишимиз керак. Партиямиз ғояларини халққа тушунтираяпмиз. Унинг дастурий мақсадларини махсус ўрганиш тўгараклари ташкил этдик. Кишилар билан яккама-якка суҳбатлашаяпмиз. Бир нарсадан қийналяпмиз. Бу ҳам бўлса партиямиз ҳужжатларининг тили халқ тилига яқин эмаслиги. Уларни тушунтириш қийин, ўта расмий тилда ёзилган. Партиявий ҳужжатларнинг ўқимишлиги, халққа яқинлиги тўғрисида кўпроқ ўйлаш керак. Халқни бошқаришга сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларимиз камлик қиляпти. Ҳаётга яқинроқ бўлган қизиқарли ўқишлар ташкил этилиши керак.

«Обрў осмондан тушмайди, меҳнатдан келади» дейди халқимиз. Халққа тўғри йўлни кўрсата олсак, элнинг ортимиздан эргашиши турган гап. Бунинг учун ишлаш, халқ фикрини ўрганиш, у ёки бу масалани ҳал қилишда одамларнинг фикр-таклифларни ҳисобга олиш ва энг муҳими олдимизда турган муаммоларни бартараф этишда халқнинг кенг иштирокини таъминлаш зарур. Одамлар билан ишлашни ўрганиб олсак, таъсиримиз ортади. Назаримда шу масалада қийналяпмиз. Одамларнинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш — партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифа шундан иборат.

Суҳбатдош Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КОТИБИ МИНБАРИ

АМАЛИЙ ИШГА КИРИШИШ КЕРАК

Халқ демократик партияси аъзолари орасида кўпгина собиқ коммунистлар ҳам бор. Бу характерли бир нарсадир. Аслида бунинг ҳеч қандай таажжубланадиган жойи йўқ. Чунки, ҳудди шу ЎзХДП ўзини республика Компартиясининг ҳуқуқий вориси, деб эълон қилди. Шунинг учун ҳам собиқ коммунистлар янги партиянинг ўзагини ташкил этади.

Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, илгари партия аъзоси бўлмаганлар янги партияга киришга шошилмаяптилар. Масалан, бизнинг бошланғич партия ташкилотида улар ҳозирги партия аъзолари умумий сонининг фақатгина 10—12 фоизини ташкил этадилар. Менимча, бу бизни янги партияга ихлос билан кираётган кишилар нима учун камлиги ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Бизнингча, ҳамма гап шундаки, ҳозирча партия қурилиши, партия сафларини ўстириш масалаларига муносабати бўйича ХДПнинг ўз йўли ишлаб чиқилмаган. Биз кўпинча эскича ишламоқдамиз. Бунда ҳозирги вақтда жамиятда таркиб топган вазият тамомила бошқача эканлигини ҳисобга олмаяпмиз. Бу бошланғич, цех партия ташкилотларидан ишнинг олдинги усулларидан тамомила тубдан фарқ қиладиган усуллар қўллашни талаб этмоқда. Уларни эгаллаш эса ниҳоятда суст бораяпти. Партия сафларини тўлдириш бўйича ишда кимнидир партияга киришга таклиф қилиш билан чекланиб қолаяпмиз. Ҳозирги кунда бу таклиф етарлими? Албатта, йўқ. Бунинг устига шу нарса ҳам ҳаммага маълумки, янги партия ҳали кишиларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга интилмаяпти. Кўпгина кишилар билан суҳбатлашиш вақтида янги партия ҳали ўзини ҳеч нима билан кўрсатаётгани йўқ, деган таъналарни эшитишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам улар партия сафларига қўшилишга шошилишмаяпти. Бизнинг амалий фаолиятимизни кузатишяпти.

Биз ҳаммамиз, янги партия аъзолари буни хафа бўлиб эмас, балки вазиятни тушуниш билан қабул қилишимиз керак. Ҳақиқатан ҳам биз ЎзХДПни барпо этгандан сўнг кўпроқ ташкилий масалалар билан шуғулландик. Амалий иш билан ҳам фаолроқ шуғулланиш вақти келди. Биринчи навбатда партияга қабул бўйича ишга катта эътибор бериш лозим.

Бизнинг бошланғич партия ташкилоти ўзининг бу фаолиятида ёшларга кўпроқ эътибор бермоқда. Маълумки, қишлоқда ёшлар унчалик эътибор билан қамраб олинмаган. Қишлоқ йигитлари ва қизларида бўш вақтни, дам олишни тўлақонли уюштириш учун имкониятлар нисбатан анча кам. Бизнинг бошланғич ташкилотимиз бу масалаларни ўз назорати остига олди. Хўжаликда маданият уйи, спорт майдончалари, ўйингоҳ бор. Уларда ишларни уюштириш, спорт машғулотларига, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишига ёшларни жалб қилиш масалалари бошланғич партия ташкилоти бюросининг эътибори остида бўлмоқда.

Хўжаликда турли хил ижтимоий масалаларни ҳал қилишга катта эътибор берамиз. Бошланғич ташкилотимиз буни бемалол уддалай олади, деб ҳисоблайман. Бинобарин, биз доим кишилар, оддий меҳнаткашлар орасида бўламиз. Шунинг учун уларни ҳозирги вақтда қандай масалалар қизиқтираётганлигини яхши биламиз. Шундай экан, нима учун биз хўжалик раҳбарияти олдида энг долзарб масалаларни кўтариб чиқмаслигимиз керак?

Масалан, биз яқин вақт ичида ўз йиғилишимизда хўжалик маъмурияти вакилларини таклиф қилиб, хўжаликда савдони ташкил этиш масалаларини муҳокама қилмоқчимиз. Савдо қишлоқда қолдиқ принцип бўйича ташкил этилган деган тушунча шаклланмоқда. Бундай аҳволни ўзгартириш керак. Хўжалик меҳнаткашлари, албатта, бу масалаларда ЎзХДП бошланғич ташкилоти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланадилар.

Биз бу ва бошқа шу каби масалаларни ҳал қилиш билан меҳнаткашларимиз олдида ўз обрўйимизни оширамиз. Демак, бизнинг партиямизга кирувчилар ҳам кўпайиб бораверади.

Д. ТЎРАБЕКОВ,
Қуйи Чирчиқ ноҳиясидаги «Заря коммунизма» жамоа хўжалигининг ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби.

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ МУАММОЛАРИ

ФАОЛЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилоти бундан бир неча йил муқаддам вилоятдаги энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланарди. Ўша вақтда унинг ҳисобида минг нафардан ортиқ партия аъзоси турарди. Бироқ эндиликда вазият ўзгача. Илгариги партия аъзоларининг амалда ўндан бир қисмигина қолди, холос. Партия ташкилоти ҳал қилаётган масалалар ҳам эндиликда камайди. Ҳозирги вақтда биз ҳатто йиғилишларимизда, мажлисларимизда хўжалик, иқтисодий масалалар ҳақида гап ҳам юритмаймиз. Шунга мувофиқ ишимизни ҳам бошқача ташкил этишимиз керак. Уни қандай ташкил этмоқ лозим? Бу биз учун бугунги кундаги энг муҳим вазифадир. Партиямизнинг ташкилий оёққа туриш даври ўтиб кетди. Эндиликда партия ташкилоти тўлақонли фаолият кўрсатиши лозим. Афсуски, биз нима билан шуғулланишимиз лозимлиги ҳақида ҳамон аниқ тасаввурга эга эмасмиз. Бизнингча, ҳозирча бундай тасаввурнинг ўзи ҳам йўқ. Ишда муайян сусткашлик, ўзибўларчилик ҳукм сураётганлиги ҳам шундан бўлса керак. Ҳали ҳам ниманидир кутмоқдамиз. Ваҳоланки сиёсий, иқтисодий вазият шундай таркиб топмоқдаки, бундай вазиятда қўл қовуштириб ўтиришга йўл қўйиб бўлмайди. Шуниси аниқки, Халқ демократик партиясининг обрўси бўлмаса унинг ўрнини зудлик билан бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва партиялар эгаллайди.

Бошланғич, цех партия ташкилотлари биринчи навбатда нима билан шуғулланишлари керак? Менимча, ҳозирги кунда мафкура ишини ташкил этиш масаласи жуда кескин бўлиб турибди. Мен аввалги йиллаб-йўламасдан, қироатхонликка асосланган лекциялар ва суҳбатлар бўлишига қаршиман. Айни вақтда партиямиз мафкуравий фаолиятининг тизими йўқлигини айтмаса бўлмайди.

Халқ демократик партияси аъзолари орасида кўпгина обрўли мутахассислар бор. Уларнинг маслаҳатлари, тавсиялари ҳар доим ҳам жамоаларда салмоқли кучга эга. Шу жумладан, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳам ёрдам бериши мумкин. Агар биз у ёки бу иқтисодий муаммолар муносабати билан ўз фикримизни тавсия этмасак, маслаҳатлар бермасак, ўз меҳнат жамоамиз олдидаги обрўимизни йўқотиб қўямиз, деб ўйламайман.

Шунинг учун ҳам партия ташкилотимиз ўз имкониятларимиз даражасида хўжалик, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турли масалаларни ҳал қилишда қатнашишга интилмоқда. Биз маъмурият қабул қилган қарорларга аралашмаймиз. Бироқ ўз фикримизни очиқ билдирамиз. Масалан, сўнгги вақтда бизнинг корхонамизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга тобора катта эътибор берилмоқда. Бизнингча, бу жуда тўғри. Зероки, корхонамизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кўпгина имкониятлар бор.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда партия сафларини тўлдириш Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун муҳим муаммодир. Корхонамизнинг цех партия ташкилотлари ҳисобида 5—6 киши туради. Бундай вазиятда бошланғич партия ташкилоти партия аъзолари сафини бўлажак тўлдирувчилари билан ишлашнинг махсус дастурини ишлаб чиқиши лозим.

Айни вақтда янги партия олдингиси каби оммавий бўлади, деб ўйлаш тўғри эмас. Демак, партия ташкилоти ўзининг бўлажак ишини партия ташкилотлари аъзолари сони нисбатан кам бўлишидан келиб чиқиб режалаштириши лозим. Фаолларни партия ишига кенг жалб қилмай туриб, буни амалга ошириш мумкин эмас.

С. ЕҚУБОВ,
«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти котибининг ўринбосари.

ОБРЎ ОСМОНДАН КЕЛМАЙДИ

юритсалар ёмон бўлмасди. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз омманинг кайфиятини билиш, халққа нима кераклигини англаш ва унга ёрдам бериш шундан кейинги ишлар сирасига киради. Бугун халқ нимага кўпроқ муҳтожлик сезмоқда? Адолатга дейиш мумкиндир? Масалан, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик зарур истеъмол моллари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Лекин афсуски савдо ташкилотлари, дўконлар орқали халқнинг талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Устига-устак тақчил нарсаларни тақсимлашда баъзан адолат принциплари бузилмоқда. Бу ҳодиса оловга ёғ сепгандек халқнинг кўнглида норозилик туғдирмоқда. Биз ушбу муаммонинг олдини олиш учун партия ташкилоти қошида назорат гуруҳини туздик. Ҳар бир бўлимда партиямиз аъзоларидан 3—4 кишидан иборат назорат гуруҳи ишадолатга таянишдир. Халқимизнинг айни кунларда адолатга ташналигини ўлчаш қийин. Адолатсизликка барҳам бера олсак, ишларимиз юришиб кетади.

— Халқимизда — баъзи бир раҳбар кишиларга бўлган ишончнинг камайгани сир эмас. Лекин бизга оппозицияда турганлар бу нуқсонларни партиямиз шаънига тўнкамоқдалар. Ростини айтганда мунофиқлик, эътиқодсизлик ҳам айрим раҳбарларга хос бўлиб, бу ҳодиса партиямиз обрўсига таъсир этмоқда. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Бизда раҳбарлар халқдан ажралиб қолганди. Энди замон ўзгарди. Раҳбар кишига нисбатан бўлган талаб ҳам бошқача. Лекин ҳали эскича усулда ишлаётган раҳбарлар бор. Бундай кайфиятдаги раҳбар кишилар ўз билганидан қолмаслик, ўзганинг гапига қулоқ солмасликка ҳаракат қилади. Атрофига итоатгўй кишиларни тўплайди. Бизларда ҳам шундай камчиликлар бор. Уларга қарши кескин курашмаймиз. Масалан, бирон-бир одам халқ манфаатини ўйлаб, гарчи ҳақ гапирса ҳам гапи раҳбарга маъқул бўлмагани билан, уни қўлламаймиз. Ноҳақ бўлса ҳам биринчи раҳбарни гапирамиз. Республика, вилоят миқёсидаги идораларда ишлаётганлар демократияга тайёрдир. Лекин қишлоқ аҳли ҳали демократик фикрлаш, иш юритишга тайёр эмас. Айни шу нарса бизга кўпроқ халақит бераяпти.

— Партиямиз аъзолари ўртасида ҳам унинг дастурий мақсадларини аниқ-равшан билмайдиган кишилар бор. Партия аъзолари ўртасида партиямиз низоми ва дастурини ўрганиш ишлари қандай бораяпти?

— Халқимиз ҳозир сиёсий жиҳатдан эркин. Қайси партияга кириш-кирмаслик ҳар кишининг ўз ихтиёрида. Биз йўлимизнинг тўғрилигини амалда кўрсата олишимиз керак. Партиямиз ғояларини халққа тушунтираяпмиз. Унинг дастурий мақсадларини махсус ўрганиш тўгараклари ташкил этдик. Кишилар билан яккама-якка суҳбатлашаяпмиз. Бир нарсадан қийналяпмиз. Бу ҳам бўлса партиямиз ҳужжатларининг тили халқ тилига яқин эмаслиги. Уларни тушунтириш қийин, ўта расмий тилда ёзилган. Партиявий ҳужжатларнинг ўқимишлиги, халққа яқинлиги тўғрисида кўпроқ ўйлаш керак. Халқни бошқаришга сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларимиз камлик қиляпти. Ҳаётга яқинроқ бўлган қизиқарли ўқишлар ташкил этилиши керак.

«Обрў осмондан тушмайди, меҳнатдан келади» дейди халқимиз. Халққа тўғри йўлни кўрсата олсак, элнинг ортимиздан эргашиши турган гап. Бунинг учун ишлаш, халқ фикрини ўрганиш, у ёки бу масалани ҳал қилишда одамларнинг фикр-таклифларни ҳисобга олиш ва энг муҳими олдимизда турган муаммоларни бартараф этишда халқнинг кенг иштирокини таъминлаш зарур. Одамлар билан ишлашни ўрганиб олсак, таъсиримиз ортади. Назаримда шу масалада қийналяпмиз. Одамларнинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш — партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифа шундан иборат.

Суҳбатдош Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

● КЕКСАЛИКДА кишининг кўнгли нозик бўлиб қолади, дейишади. Бу тўғри, албатта. Бундай пайтларда киши ўзи босиб ўтган ҳаётий йўлини бирма-бир кўз олдидан ўтказади. Умрининг қанчалик самарали ўтганлигига ўзи холисона баҳо беради. Бунинг устига меҳнатнинг қадрига етилганлигини ҳис қилиш ва умр бесамар ўтмаганлигини дилдан туюш нақадар мароқли.

Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Анвар ака Амиров ҳам ҳозирда қариликни сурмоқда. У 1945 йилдан буён партия аъзоси. Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашидан фаоллар келиб, уни йўқлашди. Ҳозирги иқтисодий қийин шароитни ҳисобга олиб, 150 сўм миқдорида ёрдам пули ҳам беришди. Оз бўлса ҳам ҳарнада. Лекин гап пулда эмас, одамгарчиликда. Бундай илтифотдан Анвар аканинг бошлари осмонга етди.

СУРАТДА: партия фахрийси А. Амиров.



МДҲ ДАВРИДА ИҚТИСОДИЁТ ВА СИЁСАТ

Сўнгги вақтларда мустақил давлатлар — МДҲ аъзолари раҳбарларининг нутқларида айрим вақтларда ўринли бўлмаган фикрлар, ҳатто очиқдан-очиқ айблашга йўл қўйилмоқда. Бундай ўзаро айблаш вақтида, айтиш мумкин бўлса, иқтисодий қарорлар, муаммолар кўпинча сиёсий қилиб кўрсатилмоқда. Фикримизнинг далили учун яқин ўтмишдан бир мисолни келтириш мумкин.

Украина билан Туркманистон ўртасида, менимча, соф иқтисодий зиддият пайдо бўлди. Бу, аввало, Туркманистон Украинага етказиб бераётган газ нархининг ўзаро келишилмаслиги оқибатида юзага келди. Украинага газ етказиб беришнинг тўхтатилишини бу республика бош вазири В. В. Фокин хавфли иқтисодий шантаж, деб атади.

Шуни айтиш керакки, Украина билан Туркманистон ўртасидаги зиддият бу воқеа ҳақидаги никита нақлнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Биринчидан, сиёсий зиддият бўлиб, у президент Л. Кравчукнинг дипломатия соҳасидаги муваффақиятларини камситиш истаги билан пардаланган. Унинг раҳбарликни эгаллаши ҳамма учун ҳам маъқул бўлмади.

Иқтисодий нақлнинг ҳам ўз далиллари бор. Маълумки, газ ва пахта Туркманистон учун асосий даромад манбалари ҳисобланади. Албатта, республика ўзининг иқтисодий манфаатларига бефарқ қарашни истамайди.

Бундай айблар бир неча марта жумҳуриятимиз Президенти И. Каримов шаънига ҳам айтилди. Чунки таҳлил қилиш ва зарурат туфайли газ, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган вақтда шундай бўлди.

Сўнгги вақтда сиёсий раҳбарларнинг очиқ нутқларида мамлакатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий зиддиятларни ҳал қилишнинг номақбул усулларидан фойдаланганликда ўзаро айблашнинг бўлаётганлиги янада катта ташвиш туғдирмоқда. Ўйлаймизки, таркиб топаётган сиёсий-иқтисодий, маънавий ва бошқа вазиятларда зиддиятларни ҳал қилиш учун куч ишлатиш усулидан фойдаланиш ҳеч мумкин эмас, деб айтиш ҳозирги кунда жуда ўринлидир. Ўз республикаси манфаатларини назарда тутиб, бошқа республика манфаатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шунга қарамай биз бир республика бошқаларнинг манфаатларини ҳисобга олмай қарорлар қабул қилаётганлигини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бу қарорлар эса бошқа республикаларни ниҳоятда оғир иқтисодий аҳволга солиб қўймоқда. Мисол учун, нефть учун белгиланган

Нуқтаи назар

нархнинг оширилишини, қатор буюмлар ва хом ашёга лицензиялар бериш таъқиқланганини олиб кўрайлик. Ўз вақтида Россия ҳукумати шу ҳақда қарорлар қабул қилди. Бу билан у Ўзбекистонни, шунингдек, бошқа республикаларни ҳам оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйди.

МДҲ мамлакатлари ўртасида келишилган қарорларни қабул қилишнинг снёсий жараёни, бизнинг фикримизча, жуда суст амалга оширилмоқда. Ҳамдўстлик учун ниҳоятда ҳаётий муҳим бу ишдаги сусткашлик кўп жиҳатдан МДҲ мамлакатлари ўртасида зиддиятлар ва ихтилофларнинг юзага келишининг бош сабабидир. Ваҳоланки, давлатларнинг иқтисодий ва снёсий ривожланиши боришини мувофиқлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тузилмалар ҳали ҳам амалда шаклланганн йўқ.

МДҲ иштирокчилари бўлган мамлакатлар, албатта, яқин вақт ичида ўрталаридаги зиддиятлар ва ихтилофларни ҳал қилишнинг фақат маъқул усулларини излаб топишлари лозим. Фақатгина шундай йўл зиддиятларнинг пайдо бўлишини бартараф этади.

У энг муҳим нарсани — турли хил зиддиятларни, масалаларни ҳал қилишнинг бир томонлама, куч ишлатиш усулларидан фойдаланишга чек қўяди.

Бу усулларни тезроқ ўзлаштириш учун давлатлараро зиддиятларни ҳал қилишнинг мавжуд жаҳон амалиётидан кенг фойдаланиш лозим. У, биринчи навбатда, музокаралар олиб боришни, келишишни, кенг масалалар доираси бўйича турли хил битимларни ишлаб чиқишни ва, албатта, ўзаро ёнбосишни ҳам назарда тутади. Ўзаро манфаатларни ҳам, мустақил суверен бўлган МДҲ давлатлари ўртасида кенг ҳамкорлик истиқболларини ҳисобга олади.

Сиёсий турли фикрлилик тамойилларига сўзсиз риоя қилиш, снёсий арбоблар ўртасидаги муносабатларда юксак снёсий маданият МДҲ аъзолари бўлган давлатлар ўртасида таркиб топаётган муносабатлар учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Снёсий муносабатлардаги субъектлар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятларни ўз вақтида пайқаб олиш, уларни бартараф этиш учун ҳамма учун маъқул бўлган омиллардан фойдаланиш ва ҳеч қачон муаммоларни ҳал қилишда куч ишлатиш усулини қўлланишга йўл қўймаслик снёсатнинг асосий мақсадларидан биридир.

Снёсат — бу аввало чуқур ўйлаб қўлланилган чоралар, битимлар, ўз халқлари ва давлатлари манфаатлари йўлида келишишлар, ён босишлар соҳаси демакдир. У алдашга, айёрликка, фитнага, снёсий муносабатларнинг бошқа субъектлари манфаатларини инкор этишга асосланган снёсат бўлмаслиги керак. У қандайдир снёсий раҳбарнинг шахсий ғаламислик мақсадлари — манфаатлари йўлида фойдаланилмаслиги лозим. Бизнингча, снёсат бугунги кунда фақат соф ва ошкора бўлиши лозим. Афсуски, тажриба у ҳар доим ҳам шундай бўлаётганлигидан далолат бермайди.

И. КАРИМОВ,
Тошкент Давлат деҳқончилик дорилфунунн снёсатшунослик кафедраси мудири, профессор.

Қўшнимга ачинаман

Мени ўзим Улуғ Ватан урушн қатнашчиси эмасман. Бундай қариндошларим ҳам йўқ. Баъзи пайтларда қўшнимга разм соламанда, унга ачиниб кетаман. У жуда тортинчоқ, ҳатто баъзи пайтларда ўз ҳақнни талаб қилишга ҳам тортинади. Мен бу гапларни бежиз гапираётганим йўқ. Айни пайтда баъзилар нафақа миқдорларининг тенглаштириб қўйилганлигига бир қадар эътироз билдиришяпти. Кимдир 40—45 йил ишлаган. Айримлар эса олиб-сотарлик қилиб кун кечириб, улар билан баробар миқдорда нафақа олаяпти. Бундан ахир ёшлар қандай ибрат олишлари мумкин? Бундан келиб чиқадики, ишласанг ҳам, ишламасанг ҳам барибир экан-да?!

Нафақа олаётган уруш фахрийларига келсак, уларга икки минг сўм нафақа ҳам оз. Чунки улар олдида биз анчагина қарздормиз. Уларни авайлашимиз лозим. Шундоқ ҳам улар жуда озчилик. Уларнинг энг ёши ҳам етмишларни қоралаб қолишган.

Н. КОНДРАТЬЕВА,
Тошкент.

● ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам Наврўз байрами зўр хурсандчилик билан нишонланди.

СУРАТДА: бирлашманинг 54-цехида бўлиб ўтган тантаналардан лавҳа.

В. ХАРИТОНОВ,
суратлари.



ТУЗ ИЧГАН ЖОЙИНГГА...

Куз пайти. Қишлоғимиз йигитларидан бири аскарликдан келди. Ота-онаси элу улусга ош берди. Биз ҳам икки-уч киши бўлиб бордик. Аскар йигит билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Гап-дан-гап чиқиб, суҳбат мавзуси ХДПга тақалди.

— Янги партияга ўтдингизми? — сўради тўйбоши ҳамроҳларимдан бирига.

— Йўқ, ўтмадим, — жавоб берди ҳамроҳим.

— Нега энди? — яна сўради тўйбоши.

— Энди қариб қолдик. Бунинг устига партия ҳеч нарса бермади.

— Кечирасиз, ҳозир неча ёшга кирдингиз?

— Эллик бешга.

— Ҳали ёш жанобсиз-ку. Нечанчи йилдан буён партия аъзоси эдингиз?

— 1961 йилдан буён.

— Ҳа, балли. Ўттиз йил бўлибди. Боя сиз «Партия ҳеч — нарса бермади» дедингиз. Менимча, нотўғри айтдингиз. Янглишмасам, 19 йил мактабда илмий бўлим мудири, 11 йил директор бўлиб ишладингиз. Жамоатчиликни ўргандингиз. Обрў-эътибор қозондингиз. Булар сизга партиянинг ҳеч нарса бермаганими? Шубҳасиз, партия сизга ҳам кўп нарса берди. Бундан асло кўз юмолмайсиз.

— Тўғри айтасиз, — нонлож унинг гапини тасдиқлади ҳамроҳим, — партия аслида маънавият даргасику-ю. У мени тарбиялади. Маънавий озиқ берди.

— Виттаси, мана ўзим, — гапини давом эттириб деди тўйбоши, — 1943 йили Улуғ Ватан урушн жангоҳларида партия сафига ўтганман. Мажбурий ўтказишган. Бир неча бор коммунистларга хос жасорат кўрсатганлигим учун, албатта. Партияга сендай довюрак ва жанговар кишилар керак, деб катта ишонч билдиришди. Уларнинг ишончи менга бутун ҳаётимда синмас қанот ва далда бўлди. Урушдан кейин районимизнинг қатор хўжаликларида нуфузли лавозимларда ишладим. Партия қаерга ва қандай ишга буюрган бўлса, унинг йўлланмаси билан бордим. Минг қатла шукрким, ёмон бўлмадим. Халқимизда «Бир кун туз ичган жойингга, қирқ кун салом бер» деган ибратли нақл бор. Биз ана шу мақолга амал қилишимиз лозим. Шунинг учун унинг қадриятини асраб-авайламоғимиз, ҳурматини жой-жойига қўймоғимиз лозим. Шундагина ҳозирги ёшлар партияга ишонади ва унинг сафига ўтишлари мумкин. Биз уларга ибрат намунаси сифатида хизмат қилишимиз зарур.

Ҳа, орамизда бундай мавзудаги суҳбатлар тез-тез бўлиб турибди. Шундай экан ҳали ҳам кеч эмас. Халқ демократик партияси сафига ўтайлик. Ўзингизни камолот пиллапоясига чиқарган, исми ўзгарган бўлса ҳам, жисман ва мазмунан эндигина миллийлашаётган, шаклланаётган, ёш ва мустақил партиянн ҳар томонлама қўллаб қувватлайлик.

Ҳасан ОТАҚУЛОВ,
Бекобод райони.

Ушбу қўш саҳифани Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгашининг матбуот маркази ва «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг ходимлари ҳамкорликда тайёрладилар.

АВВАЛО ЎЗИНГГА БОҚ

Ўзбекистонимиз мустақил давлат бўлгач, биз ҳақимизда турли уйдирмалар, кесатиқлар, «маслаҳатлар» билан тўлган мақолалар Россия рўзномаларида кўпайиб қолганлигидан ҳаммамиз хабардормиз. «Известия» рўзномасининг 6 март сонидаги А. Сичевнинг навбатдаги «Ўзбекистон чет элларда ўз манфаатларини ифодалашни Туркиядан сўрамоқда» мақоласи яна бир бор муштарий нафратини қўзғади. Жаноби Сичев афкор омма кўзига туркиялик биродарларимизнинг беғараз ёрдамини, Ўзбекистон Президентининг сўзларини бошқачароқ талқин қилиб кўрсатишга уринади.

Жаноби Сичев! Ўзбекистон мустақил давлат! У кимдан ёрдам олади, чет эллар билан қандай алоқа қилади, бу ўзининг иши. Сиз нега бу ишга бурнингизни суқасиз! Ёки ёзишга мавзу топилмай қолдими? Топиб берайми? Сиз шу йилнинг икки ойида (январь-февраль) Россияда 376899 та жиноят юз берганини, 511 та порахўр ушланганлигини, 1948 та аёлларни зўрлаш ҳодисаси юз берганлигини ёзганингизда, шуларнинг сабабларини аниқлаганингизда бўлармиди...

Ўзбекистонни қўяверинг. Бу ердан қизиқ мавзу тополмайсиз. Сиз Москвада 20 нафар гомосексуалист ва лесбиянканинг давлатдан гомосексуализмни расман тан олишини талаб қилиб, уч кун очлик эълон қилганликлари ҳақида ёзсангиз дуруст бўларди.

Самара шаҳрида тентаклар жамияти тузилганлиги ҳақида ёзсангиз ҳам сизни севиб ўқиган бўлишармиди, лаббай! Ёки бу йил Санкт-Петербург шаҳрида қишлаган 10000 нафар дайди болалардан интервью олсангиз ажойиб иш бўларди. Бўлмаса ҳадемай бундай укаларингиз сони 30 мингга етиши кутилмоқда.

Жаноб Сичев, яна бир ҳаммаслагингиз «Комсомольская правда»да «Рашидовшина по японски», деган хабар ёзди. Гўё япониардаги қўшиб ёзишни ҳам бизнинг иш услубимиз, демоқчи бўлган.

Биласизми, ҳамкасаба, бизнинг ўзбекларда «Иштони йўқ, тиззаси йиртиққа кулибди», деган нақл бор. Мен шу ўринда ўша ҳамкасбингизга Хабаровскдаги ўлимхонада 35 та ўлган одамнинг тобутлари икки ойдан бери қўйилмай, ташқарида турганлиги ҳақида ёзишни маслаҳат берардим. Илло, бу савоб иш бўларди. Худога шукур, бизда ўликлар кўчада ётмайди. Бунга динимиз, имонимиз йўл қўймайди. Марҳум мусулмон ёки насронийлигидан қатъий назар, бегона бўлса ҳам олиб бориб кўмишади. Агар бизда шундай ҳол юз берганида (худо сақласин) билмадим қувончдан юрагингиз ёрилиб ўлармидингиз.

• МУНОСАБАТ

Яна икки жигарингиз — Д. Сабов билан И. Черняклар «Комсомольская правда»нинг 4 февраль сонидаги «Руслар масжидлар соясида» мақолаларида бизга тош отадилар. Эмишки, рус мутахассислар кетиб қолаётганлиги учун кўчаларимиздаги чироқлар ҳира экан. Аслида Россиянинг ўзи мазут беришни камайтириб юборди-ку, валломат! Турклар, қримлар қочиб кетаяпти, деб ёзишди. Вақоланки қрим биродарларимиз ўз тарихий ватанларига қайтмоқдалар. Бундан биз ҳам, қримлар ҳам фақат қувонамиз.

Корейслар ҳимоя отрядлари тузишяпти, деганларига тўғриси кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсан киши. Корейс дўстларимиз халқимиз билан бир сафда Ўзбекистон ривожи учун далаларда тер тўкаётганини келиб кўришсин, унга ишонмаган кишилар.

Ҳаммасидан ҳам сиз «жонкуярларимизнинг» кароматларингиз кишини ўртантириб юборади. Ўзбекистон келгусида майда-майда давлатларга бўлиниб кетади, деб башорат қиласизлар. Илло, башоратларинг ўзларингга буюрсин! Жўжани эса кузда санаймиз.

Сизларга нима бўлган ўзи?! Д. Сабов билан И. Черняклар «2000 йилда ўзбеклар 40 миллион кишига етади», деб ҳўрқадилар-ку! Нима биз кўпайсак, сизларга овқат қолмайдими? Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари «Кўпайинглар, илло сизларнинг кўпайганларингни кўриб, қувонаман» деганлар.

Жаноб Сичев! Нима бало, сизларга хасадгўйлик, манманлик, кўролмаслик иллатлари сут билан кирганми? Элдан бурун ваҳимага тушасизлар, совуқ башорат қиласизлар. Ана Русия Президентининг маслаҳатчиси Г. Старовойтова деган хонимларингиз Ўзбекистонда 50 мингга яқин қочоқлар бўлиши мумкинлигини башорат қилиб бу ерга БМТ қўшинларини киритишни таклиф қилади. Хонимча бу гапни қаёқдан олибди? Ўзбеклар бошқаларга ўхшаб қуролланаётгани йўқ-ку!

Жаноб Сичев! Келинг, шу сиёсатни қўяйлик, мен сизга ажойиб бир шоиримизнинг шеърини ўқиб бераман, эшитинг-а!

Дейдиларки ит ҳурар, ўтади карвон,
Ранжу балолардан ёнмасин жонинг.
Лекин алам қилар бир умр гирён,
Итлар орасида ўтса карвонинг!

Менку карвоннинг манзилига етиб боришига ишонаман. Бироқ, беҳуда ҳураётган итларга ачинаман-да. Оёқ остида қолиб кетишади бечоралар...

Обид СУФИХОНОВ,
журналист,
Қуйи Чирчиқ райони.

УЛАР ҲАҚИДА КАМ ЁЗИЛАДИ

ХАБАРЧИ ОПА

МУЗАЙЯНА Ҳабибуллина ҳар куни эрта саҳардан йўлга отланар экан, халтаси рўзномаю ойномаларга лиқ тўла бўлади. Бир кўчада истиқомат қилувчи юзлаб хонадонларга уларни тарқатиб бўлгач, иккинчи кўча бошидаги темир қутини очиб, унда тунда қолдириб кетилган рўзнома-ойномаларни халтасига солиб яна кўча айланади. Ҳар куни шундай.

— Мен почтани барвақтроқ эгаларига тарқатишга шошиламан,— дейди Музайяна опа.— Чунки улар ишга боришдан олдин рўзнома-ойномалар билан танишиб олишлари, янгиликларни билишлари лозим. Ахборотлар кечгача ўз қийматини йўқотиб қўяди, бизнинг тезкор кунларимизда.

Ҳисоблаб чиқилди: Музайяна опа хизмат кўрсатаётган Куйбишев ноҳиясидаги ўнга яқин кўчада истиқомат қилувчилар икки мингта рўзнома-ойномага обуна бўлишган экан. Деярли ҳар куни шунча матбуот маҳсулотини тарқатишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг устига кундалик хат-телеграммалар сал кам икки юзтага боришини қўшинг. Почтачи хизмат кўрсатаётган кўчаларда яшовчи 480 нафар нафақахўрга, юзлаб кўп-болали оналарга ҳар ойда бир марта тарқатиладиган нафақаларни айтмайсизми!

Ҳа, Музайяна Ҳабибуллина хожатбарор инсон. Ҳамма уни ҳурмат билан «Хабарчи опа» дейишади. Почтачи ҳалол хизмати, хушмуомалалиги билан шундай иззат-икромга сазовор бўлган. Биз ҳам мураббий алоқачига ҳорманг деймиз, доим бардам бўлишини истаймиз.

Т. ҚОДИРОВ.

ЯНГИ ШИФОХОНАДА

Юқори Чирчиқ ноҳиясидаги «Политотдел» жамоа хўжалигининг яна бир даҳасида янги қишлоқ амбулаторияси фойдаланишга топширилди. Шифохона очилишига бағишланган тантанада ноҳия марказий касалхонаси бош шифокори Нодир Ўтегенов, меҳнат фахрийси Сотиболди Пирматов, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Ёқуб Юсуповлар меҳнаткашларни бу туҳфа билан табрикладилар.

Бу ерда Елена Ким, Ҳаким Содиқов каби малакали дўхтирлар, Карима Орзиева, Раъно Мўмбекова, Ҳафиза Худойберганова, Зилиҳа Маханова, Тамара Аулбекова сингари ҳамширалар беморларга хизмат кўрсатаётирлар.

И. ХОЛТУРСУНОВ.

● ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Акмал Икромов районидаги 30-мавзеда ноҳия ўқитувчиларининг фарзандларини учун янги — 604-боғча бинокор қад кўтарди. «Дилшод» деб ном берилган бу масканда 500 нафар бола тарбияланмоқда. СУРАТЛАРДА: янги очилган боғча ҳаётидан лавҳалар. Суратказ Р. АЛЬБЕКОВ.

ҚУТЛОВ

СОЗ САНЪАТИГА МЕҲР



ҲАР БИР инсон зотининг камолотга етишувида унинг атрофини қуршаб турган шароит, беғубор болалиги кечган оилавий муҳит, ота-онасининг касбу кори ва қизиқишлари катта роль ўйнайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда Нуриддин Каримов ўқитувчилик қилиш билан бир қаторда 20—30-йилларнинг кўзга кўринган зиёлилари — ёзувчи, шоир ва санъаткорлар билан ҳамфикр ва маслакдош эди. Дўстлар тез-тез учрашиб, мулоқотда бўлишар, улфатчилик қилиб туришарди. Айниқса, Ҳамза, Қориниёзий, М. Қориёқубов, Мулла Тўйчи ҳофиз, Юнус Ражабий, Рихси Ражабий, Ғафур Ғулом ва Чустий сингари адабиёт ва санъат намояндалари уларнинг хонадонларига вақти-вақти билан ташриф буюришар, қизғин суҳбатлардан сўнг навбат санъаткорларга тегар, созандаларнинг дилтортар куйнаволари ҳофизларнинг жозибали қўшиқ-хонишларига уланиб кетарди.

Ана шундай нафосат оқшомларидан бирида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Нуриддин акага қашқар дутори тақдим этди. Бу совғани зўр мамнуният билан қабул қилиб олар экан, Нуриддин ака:

— Катта раҳмат! Бу эсдалик совғангиздан бошим осмонга етди. Энди сиздан илтимос: шу созда битта куй ўргатсангиз,— деб шоирга мурожаат қилди. Ҳамза мезбоннинг илтимосини ерда қолдирмай, «Чўли ироқ»ни чалиб бериб, бу куйни қандай ижро этишни тушунтирди.

Нуриддин аканинг санъатга бўлган меҳр-муҳаббати унинг ўғилларига ҳам юқди. Даставвал катта ўғли Зайниддин дутор чертишни ўзлаштириб олди. У айниқса, Ҳамза совға қилган созни қўлидан тушурмасликка интилар, ижрочилик сирларини қунт ва сабр-тоқат билан ўрганарди. Ҳатто у ТошМИда ўқиб юрган пайтида бу олий билимгоҳ қошида миллий ашула ва чолғу дастаси тузиб, санъат ихлосмандларига сидқидилдан хизмат қилди.

Каримовлар оиласи 1939 йилда пойтахтнинг Ишчилар шаҳарчасига кўчиб ўтишди. Тақдирми ёки бахтли тасодифми, ҳарқалай, бу ерда ҳам элу юртга танилган кўпгина ёзувчи ва санъаткорлар: Ойбек, Миртемир, Қ. Муҳаммадий, Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, Ғ. Тошматов, Н. Ҳасанов, С. Калонов ва бошқалар яшашарди. Мана шу зиёлилар муҳити Нуриддин аканинг иккинчи ўғли Озоднинг ҳам қалбида адабиёт ва санъатга ихлосмандлик куртакларининг барг ёзишида катта роль ўйнади.

— 1949 йилда, яъни етти ёшимда биринчи марта қўлимга дутор ушладим,— дейди Озод Каримов.— Ундан кейин доирага меҳрим тушди. Акамдан танбур чалишни ҳам ўрганиб олдим. Жумҳурият кашшофлар саройи қошидаги бадиий тўгаракда моҳир созанда Ғ. Қўчқоров раҳбарлигида ғижжак чалишни ҳам ўзлаштирдим. Бу устозим мени ўзи билан бирга Глиэр номидаги жумҳурият мусиқа билим юртига олиб борди. Бу даргоҳда 1961 йилга қадар ғижжак ва оркестр дирижёрлиги бўйича сабоқ олдим. Шундан кейин Тошкент Давлат консерваториясида ўқишни давом эттириб, ўзбек халқ чолғу асбоблари бўйича ўқитувчи, дирижёр ва созандалик мутахассисликларини эгалладим...

Ҳа, меҳрибон ва талабчан мураббийнинг таълими ва йўл-йўриқлари самарасиз кетмади. Озод ака ўзбек давлат эстрада театрида Маъмуржон Узоқов етакчилигидаги санъаткорлар гуруҳида созанда бўлиб хизмат қилганида атоқли ҳофиз Ж. Султонов, бадиий сўз устаси М. Мусаева, раққосалардан М. Турғунбоева, Т. Рисметова сингари тажрибали санъаткорлардан жуда кўп нарсаларни ўрганди ва ўзининг ижодий қобилиятини муттасил ўстириб боришга алоҳида аҳамият берди.

1967 йилдан эса Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг мусиқали кўрсатувлар таҳририятида масъул муҳаррир вазифасида ишлаб, «Рақс ўрганинг», «Дутор ва танбур тароналари», «Ғижжак наволари», «Мусиқа иқболи эгалари» сингари туркум кўрсатувларни тайёрлаб, улар орқали жумҳуриятимизда бўй кўрсатаётган истеъдодли хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишлари билан томошабинларни яқиндан таништириб борди. «Афсоналар ва қуйлар» туркумида эса «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Наво» каби халқ куйларининг яратилиш тарихи борасида атрофлича фикр юритилди ва бу телекўрсатувлар санъат ихлосмандлари ўртасида катта эътибор қозонди.

1972 йилдан Озод Каримов Навоий номли театр қошида жумҳурият қишлоқ хўжалиги ходимларига маданий хизмат кўрсатиш концерт гуруҳида мусиқа раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда унинг ижодкор сифатидаги янги қирраси намоён бўлди: у бастакор сифатида ҳам самарали изланиш олиб борди. Хусусан, Э. Воҳидовнинг «Бобур ғазалига муҳаммас», Ҳабибийнинг «Ватан меҳри», Э. Самандаровнинг «Таҳҳо» шеърларига куй басталади ва бу қўшиқларни халқимизнинг кўзга кўринган хонандалари моҳирона ижро этишиб, санъат шинавандаларининг меҳрини қозонишди. Бундан ташқари О. Каримов таниқли балетмейстер Галия Измайлова саҳналаштирган «Қувонч», «Опа-сингиллар», «Орзу», «Наргис» каби кўпгина рақсларга ҳам куй басталади.

Озод ака 1976—1978 йилларда Олим Ҳўжаев номли Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида бош дирижёр ва бадиий раҳбар, 1978—1983 йилларда яна Навоий номли театрда созанда, 1983 йилдан эса М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ашула ва рақс дастасида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. У 1990 йилнинг бошидан жумҳурият миллатлараро маданият марказида бўлим мудири, айни кунларда эса директор вазифасини бажарувчи сифатида фаол хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда яшаётган ҳамма миллат ва элатлар ўртасида байналмилал дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш — асосий вазифамиздир,— дейди Озод Каримов.— Бунинг учун ҳаётимизда рўй бераётган иқтисодий қийинчиликларга қарамай барча миллат вакиллари ўртасида меҳр-муҳаббат, инсоний мурувват ва оқибатни ривожлантириш, ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, тили ва динини тиклаш учун барча шароитларни яратиш лозим. Бунинг учун жумҳуриятимиз раҳбарияти ҳамма имкониятларни сафарбар этмоқда. Кейинги пайтларда маданий марказимиз томонидан амалга оширилган жуда кўпгина тадбирлар бунинг ёрқин далилидир.

Ҳа, ҳозир ғоят масъулиятли ва шарафли бўлган бу ишда Озод аканинг ташкилотчилик фазилатлари ҳам намоён бўлмоқда. Айни чоғда унинг шеърият шайдоси, яхшигина ижодкор эканлигини ҳам таъкидлаш ортиқча бўлмайди. Бу борада марҳум шоир Миртемир унинг илк устози бўлганини айтиб ўтиш лозим. Э. Воҳидов, А. Орипов, Ж. Камол, О. Матжон, А. Исроилов сингари таниқли шоирларнинг ижодини муттасил кузатиб бориш билан бир қаторда мумтоз шеъриятимизга меҳр-муҳаббати баландлиги туфайли ўзи ҳам бақоли-қудрат қалам тебратиб келаётир.

Ўлкамизда уйғониш фасли кўрку тароватини намоён қилаётган шу кунларда Озод Каримов ўзининг эллитинчи баҳорини қаршламоқда. Биз Озод акани бу қутлуғ айёми билан чин юракдан муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида янги-янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Р. ҒАНИЕВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

«ЯНГИ КУН» ҚУВОНЧИ



БАРЧА тадбирларни алоҳида тайёргарлик билан, сермазмун ўтказиб келаётган пойтахтимизнинг Киров районидаги «Оқтепа» маҳалласи аҳли «Янги кун» — «Наврўз айёми» тантаналарини ҳам қувонч билан нишонлади. Байрам кеча отахонларнинг бу шодиёна тарихини сўзлаб беришларидан ва тиловатдан бошланди. Кейин куй-қўшиқлар янгради, 274-ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчилари муаллима Назира Исоқова бошчилигида «Наврўз — энг кўҳна ва кўркам байрам» театрлаштирилган саҳнавий кўрсатувини намойиш қилдилар.

Миллий либослардаги болалар — «Деҳқон бобо», «Барака ота», «Баҳорой»лар айём ҳақидаги билимлари, кўкатлар, гуллар мавзуидаги аскиялари, баҳрибайт айтишлари билан қатнашчиларни хушнуд этдилар.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, ўргилайлар, — деди муниса онахон Мастурахон ая, — мен шундай улуғ айёмларда бизни хушнуд этган маҳалла комитети раиси Убайдулла Маҳкамов, фаоллар Собир Мирвалиев, Ҳусан Тожибоев, Йўлдош Пўлатов, Юсуф Йўлдошев, Эркин Жамолов, Зарофат Усмонова, Саодат Носирова, Зуҳра Юнусжонова, Марғуба Миралиева ва бошқаларга чин дилдан раҳматлар айтаман.

Ая сумалак тайёрлаган аёллар, шунингдек, маҳаллада катта иззат-икромга эга бўлган Шоаҳмад оппоз хизматларини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Байрам қатнашчиларини қўшни маҳаллалардан келган меҳмонлар, шунингдек, санъаткорлар, ҳаваскорлар табриклашди. Тантанада Киров район ҳокимлиги раҳбарлари, ноҳия жамоат ташкилотлари бошлиқлари иштирок этдилар.

С. ҲАСАНОВ.

БЕДАНА ОВИГА ТАЙЁРЛАНИНГ

ВИЛОЯТ овчилар ва балиқчилар жамияти бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўз атрофига кўплаб ҳаваскор овчи ва балиқчиларни бирлаштирган. Жамиятга касби, ёшидан қатъий назар овга қизиққан кишилар аъзо бўлишган. Биргина Тошкент райони мисолида олинадиган бўлса, 1984 йилда бу жамиятга 75 киши аъзо эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони бир ярим минг кишидан ҳам ошиб кетди.

Ҳар йили август ойидан февралнинг 15-кунигача ов мавсуми ҳисобланади. Бу пайтда жамият аъзолари йиғилишиб, ташкилий равишда Бурчмулла, Пском, Угом, Оқтош, Кумушкон тарафларга автобусларда овга борадилар. Лекин шуни айтиш керакки, ташкилий равишда овга чиқиш, бу истаганча ов қилиш, тўғри келган жониворни отиш дегани эмас. Ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, масалан, қуённи бештагача отишга рухсат берилган. Шу билан бир қаторда овчилар бир йилда икки кун жамият фойдасига меҳнат қилиб берадилар. Улар қушларга инсайдилар, ёввойи ўрдак ва балиқларга ҳўрак ташийдилар. Бундай ишларни бажаришни кўпроқ дам олиш, ҳордиқ чиқаришга қиёслаш мумкин.

1991 йилдан бошлаб халқимизнинг қадимий ов турларидан бири ҳисобланган бедана ови қонунлаштирилди. Энди бу қушларни ҳар йили баҳорда бир ой давомида овлаш мумкин бўлади.

Ҳа, табиатнинг ўз тоши, ўз тарозиси бўлади. Овни оқилона ташкил қилишгина бу мувозанатнинг бузилмаслигига кафолат бериши мумкин.

Султон УМАРОВ.

• Ҳар тўғрида •

ДЕҲҚОН ОРЗУСИ

Ўғитсиз юқори ҳосил олиш ҳар бир деҳқон, эколог, иқтисодчининг орзусидир. Агар қишлоқ хўжалик экинларини, биринчи навбатда буғдой ва бошқа бошоқли экинларни азотни— ўсимликлар учун жуда муҳим озуқа моддасини тўплашга ўргатилса муаммо анча ҳал қилинарди. Бундай ҳислат табиатан фақат дуккакли ўсимликларга хосдир. Уларда ҳаводан азотни ажратиб олишга «ихтисослашган» бактериялар яшайди.

Сидней дорилфунунида қачонлардир Хитойда бошланган ишни ривожлантириб, буғдойнинг томир тизимини шундай шакллантиришни ўрганиб олдиларки, уларда азотни тўпловчи тугунаклар ҳосил бўлади. Бу ажойиб натижа, агар бундан буён олиб борилаётган изланишлар муваффақиятли бўлса, деҳончилигида инқилобга олиб келади. Бу тадқиқотлар, жумладан, буғдой тугунакларида тўпланган азотдан фойдаланишни кўрсатиши керак.

МУЗЛАСА ҲАМ ТИРИЛАДИ

Ҳарорат ўлчагичнинг симоб устуни нолдан пастга тушса биз иссиқроқ кийим кийиб оламиз. Совуқдан ўзимизни сақлаймиз. Бу табиий, чунки табиат инсонни шундай яратганки, унинг ҳарорати 36° бўлгандагина минглаб биокимё реакцияларн нормал боради.

Табиат шундай жониворларни ҳам яратганки, улар деярли тўла музга айланиб қолганда ҳам яна ҳаётга қайтади. Чунончи, Арктика кенгликларида яшовчи туклари қуртлар 10 ойгача 50 градус совуқда бўлади. Бироқ, кейин яна тирилади. Шимолий денгизнинг оқимлари минтақаларида яшовчи турли жонзотлар, жумладан, мўйловбўқли қисқичбақалар, молюскалар ва қирғоқ шиллиқ қуртлари сув пасайганда ҳаво ҳарорати тушганда музлайди. Бақаларнинг айрим турлари қиш уйқусига кирганда баданидаги суюқликнинг 65 фоизи музга айланади. Бу табиатнинг яна бир мўъжизаси эмасми?!

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ МАТБАА КОНЦЕРНИ

БОСМА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

—китоблар ва брошюралар, юмшоқ муқовада, 384 бетдан ошмаган; формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16, матни босиш ролли бўлган босма машиналарнинг юқори, офсет босма усулида;

— ранг-баранг буклет ва проспектлар, юмшоқ муқовада болалар китобчалари, ёрлиқлар, таклифнома ва ташрифномалар, бошқа турдаги рангли маҳсулотлар, формати 60×45 дан то 90×120 гача офсет машиналарда;

— ойномалар ва болалар учун мўлжалланган адабиётлар, формати 60×90 1/8, турфалилиги 5+2 бўёқда, 2+2 бўёқда, шунингдек 84×108 1/16, 70×108 1/8, турфалилиги 4+4 бўёқда, ҳажми 384 бетдан ошмаган ҳолда ролли ва офсет машиналарда;

— эни 60 см.дан 90 см.гача, турфалилиги 4 бўёқдан ошмайдиган, деворга ёпиштириладиган гулқоғозлар. Буюртмачининг қоғози бўлса, концерн маҳсулотнинг ўз вақтида сифатли бажарилишига кафолат беради.

НАРХЛАР ШАРТНОМА АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ:

Буюртмачининг қоғози бўлмаса, «Шарқ» концерни биржадан қоғоз сотиб олишга ёрдам беради.

Маҳсулотларни тайёрлаш муддати: матрица ва позитивлардан — 1 ойгача, оригиналдан — 3 ойгача.

Металлдан шильдлар ва клишелар тайёрлаб бериш учун чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилинади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 20-кечки мактаб томонидан Ходжибаева Мастура Ахметжоновна номига берилган А № 007180 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент электр тармоқлари корхонаси жамоаси бош муҳандис М. И. Абдумаликовга онаси

Манзура АБДУМАЛИКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325787; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—18. Индекс: 64872. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.40. 30579 нусха босилди.